

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Уразов К.Б., Холиқов Ғ. Л., Уразов Д.К.

**ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН
ХИЗМАТЛАР АУДИТИ**

ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ РИСОЛА

САМАРҚАНД – 2017

Уразов К.Б., Холиқов Ғ.Л., Уразов Д.К. Транспорт-экспедицион хизматлар аудити. Илмий-услубий рисола. – Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 56 б.

И.ф.д., профессор К.Б. Уразовнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида.

Такризчилар: проф. Р.А. Абдуллаев (СамИСИ),
и.ф.д., проф. А.И. Алиқулов (СамҚХИ)

«Самарқанд-Тола» МЧЖ буюртмаси асосида тайёрланган.

Мазкур илмий-услубий рисолада республикамизда охирги йилларда кенг ривож топиб бораётган транспорт-экспедицион хизматлар аудитини ташкил қилиш асослари ва уни ўтказиш тартибларини такомиллаштириш йўллари очиб берилган.

Олий таълим муассасалари ўқитувчилари, стажер-тадқиқотчи илмий ходимлар, магистрлар ва бакалаврлар учун мўлжалланган. Ундан корхона раҳбарлари, бухгалтерлар ва аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2017 йил 29 мартдаги йиғилишида муҳокама этилган ва маъқулланган (17-сон баён)

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 19 апрелдаги йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган (7-сон баён)

@ СамИСИ, К.Б. Уразов, Ғ.Л. Холиқов, Д.К. Уразов

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1-бoб ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАР АУДИТИ- НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	6
1.1. Транспорт-экспедицион хизматларнинг аудит объектлари сифатидаги моҳияти, аҳамияти, таснифи ва тавсифи	6
1.2. Транспорт-экспедицион хизматларини кўрсатувчи пахта терминалларининг аудит субъектлари сифатидаги хусусиятлари.....	10
1.3. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг заруратлари, мақсади ва вазифалари....	19
2-бoб ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЛАТИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	26
2.1. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг ташкилий таъминоти ва уни такомил- лаштириш йўналишлари.....	26
2.2. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг ахборот таъминоти ва уни такомил- лаштириш йўллари.....	36
3-бoб ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ РЕАЛЛИГИ АУДИТИ ВА УЛАР БЎЙИЧА БИЗНЕС РЕЖА БАЖАРИЛИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	41
3.1. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда даромадлар реаллиги аудити ва улар бўйича бизнес режа бажарилишининг таҳлили.....	41
3.2. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар харажатлари реаллиги аудити ва улар бўйича бизнес режа бажарилишининг таҳлили.....	44
ХУЛОСА.....	50
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	53

КИРИШ

«2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да¹ ҳар бир устувор йўналишда хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, шу асосда ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини янада ошириш вазифаси белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш транспорт-экспедицион хизматларга ҳам тегишлидир. Охирги пайтларда ушбу хизматларга бўлган талаблар ҳам борган сари ошиб бормоқда. Мамлакат экспорт салоҳиятини янада ошириш борасида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни транспорт-экспедицион хизматларни ривожлантирмасдан бажариб бўлмайди. Республикамизнинг бошқа давлатлар билан денгиз ва дарё транспорти орқали боғланмаганлиги, шунингдек темир йўл орқали алоқаларнинг фақатгина айрим давлатлар билан боғланганлиги, халқаро автотрассаларнинг ҳам кенг ривожланмаганлиги республикамизда транспорт-экспедицион хизматлар тизимини тубдан яхшилашни, бунга имкон берувчи инфратузилмаларни ривожлантиришни ўта долзарб масалалардан эканлигидан дарак беради.

Транспорт-экспедицион хизматларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликлиги ушбу хизматларни кўрсатувчи корхоналар сонини кўпайтиришни, шунингдек улар фаолияти самарадорлигини оширишни тақоза этади. Ушбу муҳим масалалар, ўз навбатида, транспорт-экспедицион хизматларга ихтисослашган субъектларда бошқарувнинг барча дастакларини, чунончи бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички ва ташқи аудитни замон талабларига мос равишда такомиллаштиришдек устувор вазифаларни қўяди.

Таъкидлаш жоизки, транспорт-экспедицион хизматлар, уларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти кўрсаткичлари ҳисоби ва аудитининг назарий асослари республикамизда махсус тадқиқ этилмаган. Улар дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда ҳам етарлича ёритилмаган. Изланишлар амалиётда транспорт-экспедицион хизматлар, уларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти кўрсаткичлари ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини чуқур тадқиқ этишга заруратлар борлигини кўрсатмоқда.

Мазкур илмий-услубий ишнинг асосий мақсади транспорт-экспедицион хизматлар, уларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти кўрсаткичлари аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини тадқиқ этиш асосида уларни такомиллаштиришга доир аниқ илмий хулоса ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, унинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган

* транспорт-экспедицион хизматларнинг аудит объектлари сифатидаги тавсифини, шунингдек ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг хусусиятларини очиб бериш;

* Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда аудитнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

* транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, чунончи унинг мукамаллаштирилган режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;

* транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда аудитнинг ахборот манбаларини, чунончи текширувларни енгиллаштиришга имкон берувчи бошланғич ҳужжатлар ва счётлар тизими, шунингдек уларга доир ҳисоб регистрларини такомиллаштириш;

* транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда улар фаолияти асосий кўрсаткичлари бўлган даромадлар ва харажатлар, хизматлар таннари реаллигини текшириш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ишда келтирилган фикр-мулоҳазалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар илм-фан раънақиға, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар амалий фаолияти самарадорлигини оширишға, ҳисоб ва ҳисоботни, шунингдек аудитни режалаштириш, уни дастакларини мукамаллаштириш, аудиторлик текширувлари услубиятини такомиллаштиришға хизмат қилади, деган умиддамиз.

Мазкур илмий-услубий тавсиялар олий таълим муассасалари ўқитувчилари, стажер-тадқиқотчи илмий ходимлар, магистрантлар ва бакалаврлар учун мўлжалланган. Ундан корхона раҳбарлари, бухгалтерлар ва аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-боб. ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАР АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Транспорт-экспедицион хизматларнинг аудит объектлари сифатидаги моҳияти, аҳамияти, таснифи ва тавсифи

Транспорт-экспедицион хизматлар ушбу хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти негизини ташкил этади. Мас равишда, транспорт-экспедицион хизматлар ушбу хизматларга ихтисослашган субъектларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг энг асосий ва муҳим объекти бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, аудитга доир дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмаларда транспорт-экспедицион хизматларнинг аудит объектлари сифатидаги моҳияти, аҳамияти, уларнинг ҳисоб ва аудитда муҳим аҳамият касб этувчи таснифий ва тавсифий жиҳатлари етарлича ёритилмаган. Бу, ўз навбатида, мазкур соҳа субъектларида аудит ўтказишнинг назарий, ташкилий ва методологик асосларини ҳам тўлиғича ишлаб чиқилмаганлигидан дарак беради. Шу боис ҳам, қуйида транспорт-экспедицион хизматлар моҳияти ва аҳамиятини, шунингдек уларнинг таснифий ва тавсифий хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қиламиз.

“Транспорт-экспедицион хизматлар” сўз бирикмаси, кўриниб турибдики, учта мустақил сўзлар, яъни “транспорт”, “экспедиция” ва “хизматлар”дан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мазмун-моҳиятга ҳамда аҳамиятга эга.

Чунончи, **транспорт** (лотинча trans — «орқали» ва portare — «ташиш»), мазмунан қуйидагиларни англатади: (1) - бу йўловчилар ва юкларни ташишни амалга оширувчи моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири; (2) – бу одамлар, юклар ва ахборотларни бир жойдан бошқа жойга кўчиш жараёнини таъминловчи техник тизимлар, йўл транспорт воситалари, техник қурилмалар ва иншоотлар мажмуаси².

Транспорт иқтисодиётнинг ажралмас бўғини (тармоғи), унинг таркибий инфратузилмаси ҳисобланади. Транспорт кишилиқ жамиятини ҳаракатга келтирувчи куч, унинг аъзолари меҳнат фаолияти воситаси ҳамда натижаси ҳисобланади.

Транспорт хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг энг муҳим тармоғи ҳисобланади. Транспорт хизматлари соҳаси ўзининг алоҳида тармоқларига эга. Бу тармоқларга ҳаво транспорти, темир йўл транспорти, автомобиллар транспорти, сув транспорти, космик транспорт кабилар киради

Транспортсиз иқтисодиётнинг бирон бир бошқа тармоқ ва соҳасини ривожлантириб бўлмайди. Чунончи, транспорт кўрсатилаётган транспорт-экспедицион хизматларда асосий ролни ўйнайди.

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/Транспорт>

“Транспорт-экспедицион хизматлар” атамасидаги экспедиция сўзи транспортда юкларни олиб келиш, ташиб келтириш, жўнатишда амалга ошириладиган махсус фаолиятни, яъни қўшимча хизмат турларини билдиради. Манбаларда транспорт ва экспедицияни бирлаштирган ҳолда транспорт-экспедицияси атамасига қуйидагича таъриф ҳам берилган:

Транспорт экспедицияси – бу юкни етказиб берувчи ташкилотнинг юкни жўнатувчидан юк олувчига транспортнинг қайси бир тури билан етказиб бериш билан боғлиқ фаолиятидир. Транспорт экспедицияси (экспедиторлик хизматлари) билан махсус экспедиторлар- экспедиторлик ташкилотлари шуғулланади³.

Транспорт экспедицияси, одатда, юкни жўнатувчи омбори эшигидан олувчи омбори эшигигача етказишни ташкил этишни билдиради. Бу хизмат мазмунини очишда «эшикдан эшиккача» термини⁴ қўлланилади. Ушбу ҳолда юкни етказиб бериш бўйича кўрсатиладиган комплекс хизматлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- юкни жўнатувчи омборидан темир йўл станцияси, порт ёки аэропортгача етказиш;
- юкни транспорт воситаларига (автомобиль, вагон, корабль, самолёт)га жойлаштириш;
- юкни ташиш ҳақини (тарифини) тўлаш;
- юкни транспортдан, чунончи вагондан тушириш;
- юкни автомобилда олувчи омборига етказиш.

Хизмат – бу маълум воситалар орқали юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг моддий ва маънавий талабларини қондиришга қаратилган фаолиятдир.

Шундай қилиб, юқоридаги учта сўз бирикмаси ҳисобланган транспорт-экспедицион хизматлар биргаликда олинганда, авваламбор, унинг махсус хизмат тури эканлигини, бинобарин бу хизматнинг транспорт ва экспедиторлик билан боғлиқ фаолият эканлигини англатади.

Манбаларда келтирилган таърифларга кўра **транспорт-экспедицион хизматлар** деганда “юк ташиш шартномаларини тузиш, юк ташишни бевосита ташкил этиш, юкни жўнатиш ва олишни таъминлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек юк ташиш билан боғлиқ бошқа хизматлар тушунилади”⁵.

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда транспорт хизматлари ва экспедицион хизматлар уларнинг алоҳида фаолият турлари ҳисобланади. Чунончи, транспорт хизматлари транспорт-экспедицион корхоналарнинг юкни макон ва замонда ташиш, юклаш, тушириш, сақлаш, суғурталаш хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятидир. Экспедицион хизматлар эса товарларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб бергунча бўлган жараёнда амалга

³ <https://ru.wikipedia.org/wiki>


⁴ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

ошириладиган қўшимча ишлардан, чунончи, юкни саралаш, ўраш, сақлаш, тегишли ҳужжатларини тайёрлаш каби ишлардан иборат бўлади Ушбу ишларсиз жўнатувчиларда товарларни ташиш жараёнини бошлаш, шунингдек товарни истеъмолчига етказиб бериш жараёнини якунлаш амри маҳолдир.

Барча транспорт-экспедицион хизматларни учта мезон бўйича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин. Булар: (1) бажарилиш жойи; (2) бажарилиш вақти ва (3) бажариладиган иш турлари.

Бажарилиш жойига кўра транспорт-экспедицион хизматларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. транспорт-экспедицион хизматларнинг бажариладиган жойига кўра таснифи

Бажарилиш вақтига кўра транспорт-экспедицион хизматларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин (2-расмга қаранг).



2-расм. транспорт-экспедицион хизматларнинг бажариладиган жойига кўра таснифи

Бажариладиган иш турларига кўра транспорт-экспедицион хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мижоз топшириғига кўра юкни бир нечта транспорт турида етказиш бериш маршрутини ишлаб чиқиш (мультимодаь ва интермодаь юк ташиш маршрутлари);

- денгиз ва дарё кемалари, самолётлар, вагонлар ва автомобиллар фрахтаси учун ташиш жараёнининг бошқа экспедиторлар ва иштирокчилари билан шартномаларни тузиш;

- юкни мўлжалга етказиб бериш учун керак бўладиган транспорт хужжатларини (ТТН, коносамент, инвойс ва бошқалар) тузиш;

- юк ташиш таърифлари, тўловлари ва йиғимларини тўлаш;

- юкни суғурталаш, уни бузилиши, камомади, шикастланишини хужжатлаштиришда иштирок этиш;

- экспорт-импорт юкларни жўнатишда божхона брокери мажбуриятларини бажариш;

- юк жўнатувчини юк харакати, уни йўқотилганлиги, изланаётганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

- керак холларда юкни бошқа манзилга қайта жўнатиш;

- хавфли, габарити катта ва оғир юкларни жўнатишга махсус рухсатномани олиш;

- бошқа хизматлар

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўриниб турибдики, транспорт-экспедицион хизматлар сермазмун ва ўзига хос фаолият тури ҳисобланади. Ушбу хизматлар бўйича яна қуйидаги фикр-мулоҳазаларни ҳам қилиш мумкин.

Биринчидан, транспорт-экспедицион хизматлар – бу бозор хизматларининг бир туридир. Бу хизматларни махсус бирликлар томонидан юритилаётганлиги уларни бизнеснинг бир тури эканлигидан дарак беради.

Иккинчидан, бизнес тури сифатида транспорт-экспедицион хизматлар тўлиқ хўжалик ҳисоби талабларига жавоб бериши, яъни олинган даромад эвазига қилинган харажатларни коплаш ва пироварида фойда келтириши лозим. Айнан шу аснода транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти бизнес фаолияти сифатида қаралиши табиийдир.

Учинчидан, транспорт-экспедицион хизматларни махсус ихтисослашган субъектлар томонидан олиб борилиши объектив заруратдир. Чунки, ушбу хизматларни юк жўнатувчи ёки юк олувчи томонидан ташкил этилиши жуда катта миқдордаги ресурсларни талаб қилади. Бирок, юк жўнатувчи ёки юк олувчи ушбу ресурсларга ҳамма вақт ҳам эга бўла олмаслиги мумкин. Уларда бундай ресурсларга эга бўлишлик зарурати ҳам йўқдир, чунки уларнинг асосий фаолияти бошқа мақсадларни ҳал этишга қаратилгандир.

Тўртинчидан, транспорт-экспедицион хизматлардан фойдаланиш чекланмаган. Айниқса, бизнеснинг кўп тармоқли республикамизда, ушбу хизматлардан саноат ва ишлаб чиқаришга қирувчи барча субъектларда, катта

миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилаётган аграр тармоқда, савдо ва тайёрлов ташкилотларида, экспорт ва импорт операцияларида кенг кўламда фойдаланиш объектив заруратдир.

Бешинчидан, транспорт-экспедицион хизматларнинг макон ва замонда мавжудлиги, уларга бўлган талабларнинг боган сари ошиб бораётганлиги, мазкур соҳа субъектларининг тармоқ хусусиятлари уларнинг ҳар бирини ўзига хос аудит субъектлари сифатида ҳам тавсифлайди. Ушбу хусусиятларни қуйида пахта толасини сотишда махсус транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатаётган пахта терминаллари мисолида ҳам кўриш мумкин.

1.2.Транспорт-экспедицион хизматларини кўрсатувчи пахта терминаллариининг аудит субъектлари сифатидаги хусусиятлари

Республикаимиз дунё мамлакатлари ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, чунончи пахта етиштириш ва унинг толасини сотиш борасида ўз ўрнига эга. “Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, - деб таъкилаган эдилар республикаимизнинг Биринчи Президенти И.А. Каримов,- фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилди - 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилди”⁶.

Асосий маҳсулоти тола ҳисобланган пахта билан республикаимизда кўп сонли субъектлар шуғулланади. Бу иш, авваламбор, пахтани етиштирувчилар – фермер ва деҳқон хўжаликларига юклатилган. Шунингдек, етиштирилган ҳосилни истеъмолчиларга етказиб беришда пахтани қабул қилувчи ва сақловчилар ҳамда пахта тозалаш корхоналари роли бекиёсдир. Ушбу корхоналар ишларини енгиллаштириш мақсадида 2000-йилларнинг бошида республикаимизда яна бир бўғин – транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар, яъни терминаллар ташкил этилди. Улар сони бугунги кунда республикаимиз вилоятлари кесимида жами 21 тани ташкил этади.

Пахта терминалларнинг бош мақсади – етиштирилган оқ олтинни юқори сифатда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳисобланади. Пахта толасининг истеъмолчилари бўлиб ҳам ички, ҳам ташқи хорижий харидорлар ҳисобланади.

Хўш, республикаимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга молик пахта хомашёсини истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида шакллантирилган ва

⁶ Бош мақсадимиз –мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

борган сари раvнақ топаётган пахта терминалларнинг моҳияти, уларга бўлган заруратлар, улар томонидан амалга оширилаётган транспорт-экспедицион хизматларнинг нималарда намоён бўлади?

Ушбу саволга жавоб топиш учун, авваламбор, пахта терминалларининг ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган транспорт-экспедицион хизматларнинг моҳиятига қисқача тўхталамиз.

Пахта терминаллари – бу пахта толасини пахтани қайта ишловчи корхоналардан қабул қилиб олувчи, уларни сақловчи ҳамда кейинчалик пахта сотувчиси топшириғи билан харидорларга юклаб жўнатишга доир транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлардир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, республикамизда ҳозирги кунда 21 та пахта териминаллари фаолият юритмоқда. Ушбу терминаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240-сонли «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» қарори асосида ташкил этилган.

Пахта толасини ишлаб чиқарувчилар бўлиб пахтани қайта ишлаш корхоналари, бошқачасига айтганда, пахта заводлари ҳисобланади.

Пахта толасини сотувчиси бўлиб бизнинг республикамизда ягона юридик шахс- «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ҳисобланади.

Пахта толасининг харидорлари бўлиб ички ва ташқи истеъмолчилар – хўжалик субъектлари ҳисобланади.

Пахта терминалларининг асосий фаолият турлари бўлиб пахта маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан қабул қилиб олиш, тушириш, сақлаш ҳамда уларни сотувчи топшириғи билан харидорларга юклаб жўнатишдан иборат.

Пахта толасини қабул қилиб олиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш бўйича амалга ошириладиган технологик ҳамда иқтисодий-молиявий жараёнлар кўргазмали тарзда 3-расмда келтирилган.


3-расмдан кўриниб турибдики, пахта терминалларининг пахта толасини сотиш жараёнидаги иштироки куйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, терминал унга бириктирилган заводлардан келиб тушган пахта толасини тушириб олади ва уларни ўз омборида сотишгача сақлайди..

Иккинчидан, сотувчи терминалга пахта толасини харидорларга жўнатиш бўйича топшириқни тақдим этади. Ушбу топшириқномада кимга, қанча пахта толасини қачон ва қандай транспорт орқали юклаб жўнатиш лозимлиги кўрсатилади. Толани транспортировкаси билан шуғулланувчи транспорт ташкилотлари билан шартномалар ҳам сотувчи томонидан олинган шартнома асосида белгиланади.

Учинчидан, терминал пахта толасини тушириб олиш, сақлаш ва харидорларга юклаб жўнатишга оид хизматлари учун сотувчи корхонага тегишли счётларни тақдим этади.

Тўртинчидан, сотувчи корхона терминалга кўрсатган транспорт-экспедицион хизматлари учун тўловларни ўтказиб беради.



3-расм. Пахта толасини қабул қилиб олиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш бўйича амалга ошириладиган технологик ҳамда иқтисодий-молиявий жараёнлар

3-расмда келтирилган операцияларнинг изохи

- (1) – Заводлардан келган пахта толасини тушириб олиш ва омборларга қабул қилиш;
- (2) – Пахтани жўнатиш бўйича топширикнома (разнарядка)
- (3) - Пахтани ички ва ташқи харидорларга юклаш;
- (4) - Сотувчига кўрсатилган транспорт-экспедицион хизматлар учун счётни такдим этиш;
- (5) - Сотувчи томонидан терминалга хизмат ҳақини тўлаш
- (6) - харидорларга сотилган пахта толаси учун счётни такдим этиш.
- (7) - Харидорларда уларга сотилган пахта толаси учун тўловни келиб тушиши
- (8) - пахта толаси учун ишлаб чиқарувчи корхонадан счётни олиниши
- (9) - пахта толаси учун ишлаб чиқарувчи корхонага счётни тўлаш

Шундай қилиб, пахта терминаллариининг асосий фаолияти хусусиятлари, асосан, улар томонидан пахтани тушириб олиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш хизматларидан иборат бўлади. Шунга мос равишда пахта терминаллариининг асосий фаолиятдан оладиган даромадлари учта турга бўлинади:

*пахта толасини терминалларда тушириш олиш хизматларидан олинган даромадлар;

*пахта толасини сақлаш хизматларидан олинган даромадлар;

*пахта толасини юклаб жўнатиш хизматларидан олинган даромадлар.

Юқорида санаб ўтилган хизмат турларидан олинадиган даромадлар қуйидаги арифметик қурилма асосида топилади:

$$Дх = Хм * Тх$$

Бу ерда: **Дх**- кўрсатилган хизматлардан олинган даромад суммаси; **Хм**- кўрсатилган хизматлар ҳажмининг натурал миқдори; **Тх**-бир бирлик хизмат миқдори учун белгиланган тариф.

Бир бирлик хизмат миқдори учун белгиланган тарифлар «Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади. Ҳозирги пайтда ушбу таърифлар қуйидагилардан иборат (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Транспорт-экспедицион хизматлари учун белгиланган тарифлар

№	Хизмат тури	Тариф бирлиги	Тариф миқдори, АҚШ доллари
1	Пахта толасини тушириш	1 тонна пахта толаси учун	3,17
2	Пахта толасини сақлаш	Ҳар бир кун учун	0,10
3	Пахта толасини экспортга ортиш	1 тонна пахта толаси учун	9,38
4	Пахта толасини мамлакат ичи истеъмолчилари учун ортиш	1 тонна пахта толаси учун	6,19

Пахта терминаллари томонидан кўрсатилган транспорт-экспедицион хизматлар ҳақини тўловчи бўлиб пахта толасини четга ва ички истемолчиларга сотувчи «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоблар корхона томонидан мазкур АЖга ҳар ойда тақдим этиладиган счётофактуралар ва улар реестрлари асосида амалга оширилади.

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар хусусиятлари ушбу хизматлар таннархида ҳам ўз ифодасини топади. Хизмат турларига қараб, қуйидаги таннарх кўрсаткичлари фарқланади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос меърлар ва тартиблар асосида ҳисоб-китоб қилинади:

*тушириш хизматлари таннархи;

*сақлаш хизматлари таннархи;

*юклаб жўнатиш хизматлари таннархи.

Тушириш хизматлари таннархи деганда пахта тозалаш заводлари томонидан автомобилларда етказиб берилган пахта толасини терминалларда омборларга тушириб олишга доир хизматга кетган харажатлар мажмуаси тушунилади. Ушбу хизматлар терминалларда автокаралар ёрдамида ва омбор ишчилари орқали кўрсатилади. Шу боис, тушириш хизматлари таннархи автокараларга кетган ёқилғи, уларнинг эскириши, автокаралар хайдовчилари ва омбор ишчиларининг иш ҳақи (ЯИТ билан биргаликда) каби харажатлардан ташкил топади.

Сақлаш хизматлари таннархи деганда терминалларга пахта тозалаш заводларидан қабул қилинган пахта толасини омборларда сақлашга кетган

харажатлар тушунилади. Ушбу харажатлар таркибига омборларни сақлаш, уларни эскириши, омбор ходимларига ҳисобланган иш ҳақи (ЯИТ билан биргаликда) ва бошқалар киритилади. Келиб тушган пахта толасининг сақлаш харажатлари омборларнинг бир ойлик харажатлари ва ҳисобот ойидаги кунлар сони асосида топилган ўртача бир кунлик харажатларни пахта толасини ҳақиқатда омборларда сақланган кунлари сонига кўпайтириш орқали топилади.

Юклаб жўнатиш хизматлари таннархи деганда терминаллар омборларидан “Ўзпахта экспорт” АЖ разнарядкаси асосида буюртмачиларга жўнатилган пахта толасини вагонларга юклашга кетган харажатлар тушунилади. Ушбу хизматлар бўйича таннарх калькуляцияси бирлиги бўлиб 1 та вагон (47-50 тонналик) ҳисобланади. Юклашга кетадиган харажатлар харажат турларининг ўртача миқдори ҳисоб-китоблари асосида белгиланади. Битта вагонни юклаш харажатлари (таннархи)нинг ўртача қийматини калькуляцияси (ҳисоб-китоби) намуна сифатида 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Пахта терминалларида 1 та вагонни юклаш хизматлари ўртача таннарх калькуляцияси

№	Харажат моддалари	Ҳисоб-китоб тартиби ва унга асос	Сумма
1	Самарқанд Тех ПД	Вагон бериш, унга юкни жойлаштириш, вагонни ташиб кетишга тахлаш ва қабул қилиб олиш ҳужжатларини тахлаш	457236
2	Экспертиза	1 дона сертификат	21500
3	Карантин хизмати	1 тонна юк*2510 сум	122990
4	Пломба (Хумо)	2 дона Хумо пломбаси (2*10500)	21000
5	Вагон таъмири	1 вагон учун “Когон Ремонтчи” счёти	44995
6	Темир йул ижара хизмати	Улгуржи савдо корхонаси темир йўли шаҳобчасидан фойдаланиш (1 ойга 1150000*12/700 та вагон)	19714
7	Ёкилги маҳсулотлари сарфи	Автокара учун 10 литр солярка (4800*10)	48000
8	Логистика бўлими ходимлари иш ҳақи харажати	7267428*12/ 700 /3	83870
9	Солиқ 6% соф тушумдан	47*9,38*2798,94	74036
10	Солиқ 15% иш ҳақи фондидан	83870*15%	14801
11	Ёнгин хавфсизлиги хизмати	16700903*12/600	95434
12	Бошка харажатлар (канцелярия товарлари ва материаллар)	Тахминий ҳисоб-китоб	90000
13	Эскириш харажатлари	Омборхоналар эскиришининг 30 %	86900
14	Электроэнергия	Омборхоналарга сарфланган электроэнергиянинг 30 %	3903
	ЖАМИ:		1184379

Пахта терминалларининг юқорида санаб ўтилган тушириш, сақлаш ва юклаб жўнатишга доир харажатлари уларнинг жами сотиш таннарини ташкил этади. Пахта терминалларида ушбу кўрсаткич жами хизматларга қилинган сарфлардан келиб чиқиб аниқланади.

Энди пахта терминалларининг хусусиятлари ва томонидан кўрсатилаётган транспорт-экспедицион хизматларнинг аҳамияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун бу хизматларни кўсатаётган субъектлардан бири бўлган «Самарқанд –Тола» қўшма корхонасининг умумий тавсифига ҳамда унинг фаолияти асосий кўрсаткичларига қисқача тўхталамиз.

«Самарқанд-тола» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240- сонли «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» қарорини бажариш мақсадида 2003 йил 10 октябрь ойида ташкил этилган, 2004 йил 5 мартда МЧЖ шаклидаги «Самарқанд-тола» Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси сифатида қайта рўйхатдан ўтган. Жамият устав капитали 999.229.441 сўмни ёки 805 773 АҚШ долларини ташкил қилади, унинг таъсисчилар ўртасидаги тақсимоти 3-жадвалда ҳамда 1-диаграммада келтирилган.

3-жадвал

«Самарқанд-тола» Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонаси

№	Таъсисчи номи	Улуши, %	Таъсис бадали суммаси
Хорижий валютада			
1	АЖ «Ўзмарказимпэкс»	65%	523 752 АҚШ долл
2	«Hanza Terminals LTD»	35 %	282.021 АҚШ долл
Ўзбек сўмида			
3	АЖ «Ўзмарказимпэкс»	65%	649.499.137
4	«Hanza Terminals LTD»	35%	349.730.304 сум

1-диаграмма




«Самарканд-тола» Ўзбекистон-Латвия қўшма корхонасининг асосий фаолият тури пахта маҳсулотларини тушириш, сақлаш ва юклашдан иборат. Ушбу фаолият турларини юритиш учун корхона жами 2,201 га умумий ер майдонига, ҳажми 1938 кв.м.дан иборат 3 та ёпик омборхона, шунингдек ҳажми 10774 кв.м. дан иборат 8 та усти ёпик омборхоналарга эга. Ушбу омборхоналар бир вақтнинг ўзида 10 минг тонна пахта толасини сақлаш имконини беради. Пахта толасини тушириш, ташиш ва юклаш ишлари корхонада 9 дона автоюклагичлар (шундан 7 донаси Mytsibishi 2 донаси Hunday) ёрдамида амалга оширилади. Корхона ихчамлаштирилган солиқ режимида ишловчи кичик бизнес субъекти ҳисобланади, унинг жами ходимлари сони 25 киши бўлиб, шундан 20 киши бевосита хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ишчилар, қолган 5 киши эса бошқарув ходимларидир.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, «Самарқанд-Тола» қўшма корхонаси ўтган 4 йилда қуйидаги миқдордаги пахта толасини экспортга ва ички истеъмолчиларга турли миқдорларда жўнатиш хизматларини кўрсатган.

*2011 йил ҳосилидан	35408,0 тонна
*2012 йил ҳосилидан	32165,6 тонна
*2013 йил ҳосилидан	25103,5 тонна
*2014 йил ҳосилидан	35965,1 тонна
*2015 йил ҳосилидан	31050,0 тонна

Пахта толасини жўнатишнинг миқдор кўрсаткичлари юқоридаги 2-диаграммада ҳам келтирилган.

2-диаграмма



Корхонанинг 2013-2015 йилларда юқорида келтирилган транспорт-экспедицион хизматлардан эришган даромадлари 4-жадвалда келтирилган.

**“Самарқанд-Тола” қўшма корхонасида транспорт экспедицион
хизматлардан олинган даромадлар**

№	Соф тушум тури	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Жами соф тушум, минг сўм	1 084 263	1 413 324,00	1 714 060,00
	Шу жумладан:			
1.1	Пахта толасини тушириш хизматларидан	359 076,00	420 286,00	368 775,00
1.2	Пахта толасини жўнатиш хизматларидан	571 297,00	812 916,00	1 043 560,00
	Шундан:			
	Экспортга жўнатиш хизматларидан	367 001,00	532 753,00	736 082,00
	Ички жўнатиш хизматларидан	204 296,00	280 163,00	307 478,00
1.3	Пахта толасини сақлаш хизматларидан	153 890,00	180 122,00	301 725,00
2	Алоҳида хизматлар улуши, %	100	100	100
	Шу жумладан:			
2.1	Пахта толасини тушириш хизматларидан	33,1	29,7	21,5
2.2	Пахта толасини жўнатиш хизматларидан	52,7	57,5	60,9
	Шундан:			
	Экспортга жўнатиш хизматларидан	33,8	37,7	42,9
	Ички жўнатиш хизматларидан	18,9	19,8	18,0
2.3	Пахта толасини сақлаш хизматларидан	14,2	12,7	17,6

4-жадвалдан кўриниб турибдики, “Самарқанд - Тола” қўшма корхонаси томонидан кўрсатилган транспорт-экспедицион хизматларнинг умумий миқдори охириги уч йилда қарийб 1,7 мартага ошган. Чунончи, пахтани сақлаш ва экспортга юклаб жўнатиш хизматлари ҳажми 2 бараварга, пахтани заводлардан тушириб олишга доир хизматлар ҳажми эса 3 %га ошган. Кўрсатилган транспорт-экспедицион хизматларда йилдан йилга экспортга жўнатишга оид хизматлар миқдори ва уларнинг улуши ошиб бормоқда.

“Самарқанд - Тола” қўшма корхонаси томонидан кўрсатилган транспорт-экспедицион хизматлар ҳақини тўловчи бўлиб пахта толасини четга ва ички истемолчиларга сотувчи “Ўзпахтаэкспорт” АЖ ҳисобланади. Ушбу ҳисоб-китоблар корхона томонидан мазкур АЖга ҳар ойда тақдим этиладиган счёт-фактуралар ва улар реестрлари асосида амалга оширилади.

“Самарқанд –Тола” қўшма корхонасининг 2013-2015 йиллардаги сотиш таннархини ташкил қилувчи харажатлар улар моддалари кесимида 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

“Самарқанд-Тола” қўшма корхонасида транспорт эспедицион хизматлар таннархига киритилган харажатлар таркиби

№	Харажатлар гуруҳи ва турлари	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Жами сотиш таннархи, минг сўм	473798	599955	836969
	Шу жумладан:			
1.1	Иш ҳақи харажатлари	47671	55596	64915
1.2	Ягона ижтимоий тўлов	15891	18532	11455
1.3	Командировка харажатлари	0	0	0
1.4	АВ ва НА эскириши	97374	108919	121213
1.5	Ёқилғи харажатлари	29472	54441	47893
1.3	Материал харажатлари	27653	48860	60446
1.6	Сертификация харажатлари	7332	8879	12427
1.7	Фумигация харажатлари	13165	14620	23060
1.8	Вагонлар таъмири	9242	13394	19798
1.9	Пахта толаси суғуртаси	0	0	61298
1.10	Вагон транспортировка харажатлари	187096	222622	315565
1.11	Ходимлар суғуртаси	0	0	196
1.12	Сув	3839	5526	12134
1.13	Электроэнергия харажатлари	7416	10131	15647
1.14	Табиий газ	1992	1946	40
1.15	Ижара харажатлари	10368	10368	11730
1.16	Транспорт воситаларини таъмирлаш харажатлари	4644	6459	43792
1.17	Автомашиналар суғуртаси	335	362	398
1.18	Фельдъегерлик харажатлари	545	779	736
1.19	Бошқа харажатлар	9763	17521	14227

5-жадвалдан кўриниб турибдики, транспорт-экспедицион хизматлар таннархини ташкил қилувчи харажатлар ўзига хос таркибга эга. Улар номлари ва характери бўйича республикада харажатлар таркибини белгиловчи меъёрий –ҳукукий ҳужжатларга бир томондан мос келса, иккинчи томондан фарқли жиҳатларга ҳам эгадир.

Юқорида келтирилган қисқача шарҳлардан хулоса қилиш мумкинки, транспорт-экспедицион хизматлар ва уларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу хусусиятлар уларни ҳисоб ва аудитнинг ҳам ўзига хос объектлари эканлигидан дарак беради. Фаолият юритаётган транспорт-экспедицион хизматларга ихтисослашган корхоналар, чунончи “Самарқанд-Тола” қўшма корхонаси тажрибасидан кўриниб турибдики, ушбу соҳа субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солиш зарурати мавжуд. Чунончи, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар учун республикамізда ҳозирги кунда амалда бўлган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” асосида “Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқилиши ва уни барча транспорт-экспедицион хизматлар соҳаси субъектларида жорий этилиши амалиётда мазкур хизматлардан олинadиган даромадлар, улар таннархи ва бошқа молиявий натижалар кўрсаткичлари ҳисоби ва аудитидаги муаммоларни ҳал этилишига имкон беради.

1.3. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг заруратлари, мақсади ва вазифалари

Республикамізда аудиторлик фаолияти, унинг турлари, мақсади, ўтказилиш заруратлари, вазифалари, унинг ташкилий ва бошқа жиҳатлари “Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунимизда ва ушбу қонун асосида қабул қилинган миллий стандартларимизда белгиланган.

Республикамізнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни» да аудит махсус фаолият сифатида эътироф этилган ва унга қуйидагича таъриф берилган: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»⁷.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, аудит макон ва замонда юз бераётган жараён, амалий фаолият туридир. У, бир томондан, махсус «аудиторлик ташкилоти» мақомидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти, иккинчи томондан эса, махсус касб эгалари бўлган аудиторларнинг амалий иш фаолияти ҳисобланади. Махсус аудиторлик ташкилотлари томонидан бошқа корхона ва ташкилотларга шартномалар асосида кўрсатилаётган аудиторлик фаолияти бевосита пуллик хизматлар сирасига киради. Аудиторлик ташкилотлари бу хизматларни кўрсатишдан даромад кўради, ўз харажатларини тўлиқ қоплайди ва пировардида фойда оладилар. Айнан шу мазмундаги аудиторлик ташкилотлари томонидан

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 26 май..

амалга оширадиган аудиторлик хизматлари бозор хизматлари сирасига киради.

Давлат корхоналарида, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда ҳамда бошқа мақомдаги корхоналарда аудиторлик хизматлари уларнинг махсус бўлинмалари томонидан ўзлари учун ҳам амалга оширилади. Бундай аудиторлик хизматлари ички аудит хизмати ҳисобланади, у корхоналар штат жадвалида кўзда тутилган лавозимдаги ички аудиторлар томонидан олиб борилади ҳамда уларнинг функционал вазифаси сифатида қаралади. Бундай аудиторлик хизматлари пуллик хизматларга, яъни тадбиркорлик фаолиятига қармайди.

Республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни»га мувофиқ махсус аудиторлик ташкилотларининг тадбиркорлик фаолият сифатида эътироф этилган аудиторлик хизматлари иккита гуруҳга ажратилади: (1) аудиторлик текширувлари; (2) аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг муҳим элементи бўлган ташқи аудиторлик текширувлари, ўз навбатида, иккита турга, яъни мажбурий аудит ва ташаббусли аудитга бўлинади.

Мажбурий аудит - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган аудит. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни»га мувофиқ (10-модда) қуйидаги субъектлар ҳар йили мажбурий аудитдан ўтишлари шарт:

- акционерлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит берувчи ташкилотлар;
- суғурта ташкилотлари;
- юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўпловчи инвестиция ва бошқа фондлар, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳисобидан шаклландиган хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг ташкил топиш манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунларда кўзда тутилган мажбурий ажратмаларидан иборат бўлган бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Ташаббусли аудит - хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудитдир. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, инвесторлар, таъсисчилар, акционерлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари - прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ қонунчилигини бузилишига қарши курашиш департаментлари буюртмалари асосида ўтказилади.

Мажбурий ва ташаббусли аудит, ўз навбатида, комплекс аудит, тематик аудит каби турларга бўлинади.

Комплекс аудит – хўжалик юритувчи субъект молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ камраб олган аудиторлик текширувидир.

Тематик аудит – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу жараёнлар ва операцияларни, ҳисобот кўрсаткичлари ёки моддаларини, айрим олинган бўлимлар фаолияти, ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишдир.

Мажбурий ва ташаббусли аудит натижалари бўйича берилган аудиторлик хулосасининг реаллиги, ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ва масъулият бир хил ҳисобланади.

Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунига кўра аудиторлик ташкилотлари мажбурий ва ташаббусли аудиторлик текширувларидан ташқари корхона ва ташкилотларга турли профессионал аудиторлик хизматларини ҳам кўрсатишлари мумкин. Бундай профессионал хизматлар сирасига республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунига мувофиқ (17-модда) қуйидаги хизматлар киради:

- *бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;

- *молиявий ҳисоботни тузиш;

- *миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;

- *хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;

- *бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

- *солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш;

- *корхона ва ташкилотларга бизнес-режа ва бошқа бошқарув дастакларини тузиб бериш;

- *бошқа хўжалик юритувчи субъектларга аутсорсинг хизматларини кўрсатиш;

- *қонунга зид бўлмаган бошқа хизмат турлари.

Аудиторлик хизматлари бозорининг муҳим қисми ҳисобланган ички аудит хизмати хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимлари томонидан Ички аудит хизмати тўғрисида Низомда белгиланган тартиб қоидаларга асосан ўтказилади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўриниб турибдики, аудит, аудиторлик хизматлари ва аудиторлик хизматлари бозори бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тушунчалардир. Макон ва замонда юз бераётган аудит яхлит тарзда аудиторлик хизматлари бозорини ташкил қилади.

Аудиторлик хизматлари бозори – бу макон ва замонда юз бераётган, пуллик ва пулсиз асосда кўрсатилаётган аудиторлик текширувлари ва профессионал аудиторлик хизматлари мажмуасидир.

Юқоридаги таърифга асосланган ҳолда аудиторлик хизматлари бозори таркибини қуйидагича кўргазмали тарзда ифодалаш мумкин (4-расмга қаранг).



4-расм. Аудиторлик хизматлари бозори таркиби

Аудит, аудиторлик хизматлари, аудиторлик хизматлари бозорига берилган юқоридаги таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, улар бошқа хизмат турларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:


*ушбу хизмат турлари, авваламбор, давлат бошқарув органлари, инвесторлар, мулк эгалари ва бошқа фойдаланувчиларнинг реал ахборотга бўлган талабларини қондиришга йўналтирилган;

*улар хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилган ва оширилаётган молиявий-хўжалик операцияларининг республикамизда амалга бўлган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келишини холис экспертиза қилишга қаратилган;

*аудиторлик хизматлари бизнесни энди йўлга қўйган, хали-бери тегишли штатдаги ва сондаги ҳисоб ходимларини ёллашга имкони бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг арзон ва қўлай аутсорсинг туридир;

*аудиторлик хизматлари катта миқдорда моддий харажатларни талаб қилмайдиган, шу билан бирга аудиторларнинг меҳнати юқори баҳоланадиган хизмат туридир.

Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари бўлиб асосан қуйидагилар ҳисобланади (5-расмга қаранг).



5-расм. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари

5-расмдан кўриниб турибдики, аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари икки гуруҳга ажратилади. Булар:

- (1) аудиторлик хизматларини кўрсатувчилар;
- (2) аудиторлик хизматлари буюртмачилари ёки истеъмолчилари.

Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг 1-гуруҳига аудиторлик ташкилотлари, аудиторлар ва экспертлар киради, 5-расмда улар 1,2,3-рақамлар билан белгиланган. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг иккинчи гуруҳига ушбу хизматларнинг истеъмолчилари, чунончи корхона ва ташкилотлар, давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари киради.

Республикамызда аудиторлик хизматларини янада ривожлантириш заруратлари негизида, авваламбор, истеъмолчиларда ушбу хизматларга бўлган талабни мавжудлиги ҳамда бу талабнинг борган сари ошиб бориши ётади. Шунингдек, давлатимизнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик, улар устидан давлат назоратлари сонини кескин камайтириш борасидаги сиёсати ҳам ҳолис аудиторлик хизматларини янада раванқ топишига муҳим туртки бўлмоқда. Солиқ назоратларининг 3-4 йилларда бир марта ўтказилишигача бўлган даврда ўтказилаётган ҳар йиллик мажбурий ва ташаббусли аудиторлик текширувлари хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар ва тўловлардаги четланишларни аниқланиши эвазига уларни ўз вақтида давлат бюджетига тушишига имкон бермоқда. Демак, аудиторлик ташкилотлари ўзларининг ушбу хизматлари билан давлатга катта наф келтиради, шунингдек корхона ва ташкилотларни

солиқлар ҳисоб-китобларида йўл қўйилаётган хатоликлар учун катта миқдордаги жарима ва пенялар тўлаш ҳавфидан қутқаради.

Республикамизда аудиторлик хизматларини ривожлантириш заруратлари сирасига қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин.

*ахборот етказиб берувчилар (маъмурият) билан ахборотлардан фойдаланувчилар (давлат органлари, банклар, акциядорлар, кредиторлар) манфаатларининг мос келмаслиги, натижада, улар ўртасида зиддиятли вазиятлар юзага келганида маъмурият томонидан нотўғри маълумотлар берилиши;

*нотўғри ахборотларга асосланган ҳолда хўжалик қарорларининг қабул қилиниши натижасида ноқулай иқтисодий аҳволга тушиб қолиниши ёки инқирозга юз тутилиши;

*иқтисодий ахборотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун зарур махсус билимларга эҳтиёж;

*ахборотлардан фойдаланувчиларда маълумотларни бевосита баҳолаш ва сифатини аниқлаш учун махсус малака, вақт ва материалларнинг етишмаслиги ва бошқалар⁸.

Юқоридагиларнинг барчаси дунё миқёсида, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам аудиторлик хизматлари бозорининг келажаги борлигидан дарак беради.

“Самарқанд-Тола” қўшма корхонаси, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аралаш мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Унда давлат улуши 65 %ни ташкил этади. Шу боис ҳам ушбу қўшма корхона мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган субъектлардан ҳисобланади.

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи пахта терминалларида, чунончи “Самарқанд-Тола” қўшма корхонасида аудитнинг асосий мақсади бўлиб молиявий-хўжалик фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилганлиги, шунингдек молиявий ҳисоботни реал тузилганлиги, давлат, корхона раҳбарияти, инвесторларни реал ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли исботу-далилларни тўплаш ҳисобланади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи пахта терминалларида, аудиторлик текширувларининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- пахта толаси сотувчи бош корхона бўлган “Ўзпахтаэкспорт” АЖ билан унга транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатиш бўйича тузилган шартномаларни бажарилишини назорат қилиш;

- хизматлари буюртмачисидан бўнак суммасини ўз вақтида келиб тушганлигини, шартномаларни белгиланган графикларда бажарилганлигини, улар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилганлиги назорат қилиш, уларни тўғри ҳужжатлаштирилганлиги ва ҳисобини тўғри олиб борилганлигини текшириш;

⁸ Дўстмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик.-Т.: 2004 й. 6-бет

- хизматлардан олинадиган даромадларни ҳисоблаш тамойилига мувофиқ улар юз берган вақтдан бошлаб тан олиш ва баҳолашни текшириш;
- даромадларни тўғри гуруҳлаш ва тегишли счётларда акс эттирилганлигини текшириш;
- даромадларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш;
- харажатларни уларнинг моҳиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда ҳисобга олинганлигини текшириш;
- корхона харажатларини тўғри туркумланганлиги ва гуруҳларга ажратилганлиги, уларни тўғри, ўз вақтида ва тегишли бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини текшириш;
- корхона харажатлари бўйича ҳисоботлар маълумотлари ва ҳисоб маълумотларини тўлиқ уйғунлиги таъминланганлигини текшириш
- якуний молиявий натижаларни туғри шакллантирилганлигини текшириш;
- корхонада бюджетга тўланадиган солиқлар ва тўловлар реаллигини текшириш;
- фойдани таксимланишини тўғри туркумланганлиги ва гуруҳларга ажратилганлигини, таъсисчилар билан ҳисоблашишлар ҳолатини текшириш ва бошқалар.

2-бoб. ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИНГ ҲОЛАТИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг ташкилий таъминоти ва уни такомиллаштириш йўналишлари

Корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг самараси бевосита уни ташкилий таъминотига боғлиқ. Аудитнинг ушбу таъминотининг мазмун-моҳияти адабиётларда атрофлича ёритилган. Уларда келтирилган таърифларга кўра, аудитнинг ташкилий таъминоти деганда уни режалаштириш ва ўтказишга доир барча ишлар мажмуаси тушунилади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда ўтказиладиган аудитининг ташкилий жиҳатлари адабиётларда махсус ёритилмаган. Шу боис, қуйида транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, уларда ўтказиладиган ташқи ва ички аудитнинг ташкилий таъминоти масалаларини тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни ва ушбу қонун асосида қабул қилинган стандартларга кўра ҳам ташқи, ҳам ички аудит 4 та босқичга ажратилади. Булар:

1. Аудитни режалаштириш босқичи;
2. Аудитни ўтказиш босқичи;
3. Аудит натижаларини умумлаштириш ва расийлаштириш босқичи;
4. Аудит натижаларини амалиётга тадбиқ этиш босқичи.

Аудитни режалаштириш босқичи ўз ичига аудит текширувлари бошлангунга қадар амалга ошириладиган ишларни олади. Республикамизнинг **“Аудитни режалаштириш”** номли 3-сон АФМСга мувофиқ ташқи ва ички аудитни режалаштириш аудит текширувлари буюртмачилари уни олиб боровчилари томонидан олиб бориладиган бир қатор ишларни олади. Чунончи, ташқи аудитда бундай ишлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин (6-жадвалга қаранг).

Ички аудитни режалаштириш ташқи аудитни режалаштиришдан фарк қилади. Бу жараёни режадлаштиришда, бир томондан корхонанинг бошқарув органи, иккинчи томондан эса, ички аудиторлар иштирок этади. Ички аудитни режалаштиришда бажариладиган асосий ташкилий ишлар таркиби 7-жадвалда келтирилган.

Ташқи аудитни режалаштиришга доир ишлар

Буюртмачи корхонада	Аудиторлик ташкилотиди
1. Корхона бошқарув органи ташқи аудитга танлов эълон қилинади.	1. Эълон қилинган тендерга қатнашиш учун тижорат таклифи ҳамда аудиторлик текширувини ўтказишга ҳуқуқ берувчи лицензия, аудиторлар сертификатлари, суғурта полиси ва бошқаларни тақдим этилади
2. Ташқи аудиторларнинг тижорат таклифларини қабул қилинади	2. Аудитни ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларни – аудит режаси, аудит дастури ва шартнома вариантини тақдим этишга мурожаат-хат қабул қилинади
3. Ташқи аудиторларни ўрганиш асосида улар ичидан макбули танланади ва унинг тасдиғи масаласи акциядорлар умумий йиғилишига олиб чиқилади	3. Мижознинг хат-муурожаати асосида мижоз фаолияти ўрганилади.
4. Умумий мажлисда тасдиқланган аудитор ташкилотига аудитни ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларни – аудит режаси, аудит дастури ва шартнома вариантини тақдим этишга мурожаат-хат	4. Аудит режаси, аудит дастури ва шартнома варианты тайёрланади.
5. Аудитнинг ташкилий асосларини белгиловчи аудит режаси, аудит дастури ва шартномалар имзоланади	5. Аудитнинг ташкилий асосларини белгиловчи аудит режаси, аудит дастури ва шартномалар имзоланади

Ички аудитни режалаштиришга доир ишлар

Бошқарув органи	Ички аудитор
1. Бошқарув органи ички аудитор лавозимига танлов эълон қилади.	1. Эълон қилинган тендерга мувофиқ бошқарув органига ички аудиторлик лавозимига давогар шахс ўзига доир тегишли ҳужжатларни (анкета, диплом, аудитор ёки ички аудитор сертификати нусхаларини) тақдим этади
2. Ички аудиторлик лавозимига даъвогарлардан тегишли ҳужжатлар (анкеталари, дипломи, сертификати, меҳнат дафтарчаси нусхалари) қабул қилинади	2. Бошқарув органи, чунончи кузатув кенгаши аъзолари суҳбатидан ўтади
3. Ички аудитор лавозимига даъвогарлар ичидан макбули танланади ва унинг тасдиғи масаласи кузатув кенгаши аъзолари йиғилишига олиб чиқилади	3. Кузатув кенгаши йиғилишида макбул деб топилгач, ички аудитор лавозимига меҳнат шартномасини имзолайди
4. Кузатув кенгаши йиғилишида макбул деб топилган ички аудитор билан меҳнат шартномаси тузилади, унинг режаси ва дастури тасдиқланади	4. Ички аудит режаси ва дастурини ишлаб чиқади ва уни кузатув кенгаши тасдиғига тақдим этади

Ҳам ташқи, ҳам ички аудитни режалаштириш босқичида тузиладиган муҳим ҳужжатлар бўлиб, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шартномалар ҳамда уларнинг таркибий элементлари ҳисобланадиган аудит режаси ва дастури ҳисобланади.

Ташқи аудиторлик хизматлари тўғрисида шартнома – бу аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида аудиторлик текшируви ёки бошқа касбий хизматларни кўрсатиш бўйича ўзаро муносабатларга статус берувчи юридик ҳужжат. Ушбу шартномада аудиторлик фаолиятининг аниқ тури (аудиторлик текшируви, консалтинг, бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва шу каби бошқа касбий хизматлар), уларни қайси давр учун ўтказилиши, ўтказилиш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, ишнинг қиймати, форс-мажор ҳолатлар ва бошқалар аниқ кўрсатилади.

Аудиторлик текширувлари режасида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- аудит ўтказишга доир чора-тадбирлар (ишлар) рўйхати;
- чора-тадбирлар (ишлар)ни бажариш муддатлари;
- чора-тадбирлар (ишлар)ни бажариш бўйича масъул шахслар.
- чора-тадбирлар (ишлар)ни бажаришда эришиладиган натижалар.

3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш»га мувофиқ **аудит режаси** тузилганидан сўнг унинг **дастури** тузилади. Аудиторлик текширувлари дастурида барча аудиторлик амалларининг батафсил рўйхати баён килиниши керак. Дастур аудиторлар учун батафсил йуриқнома бўлиб, унда текширилиши лозим булган бухгалтерлик ҳисобининг барча бўлимларини текшириш, шунингдек ички назорат тизимини таҳлил қилиш бўйича уларнинг барча хатти-ҳаракатлари акс этирилган бўлиши лозим. Аудит дастурини пухта бўлиши керак, чунки у аудиторлар ишидаги таъсирчан назорат дастаги бўлиб хизмат қилади. Дастур аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Аудиторлик дастури амалиётда аудит режасини реализация қилиш стратегиясини акс эттиради. Аудиторлик дастури аудиторлар иш сифатини назорат этувчи асосий восита ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар учун махсус аудиторлик режаси ва дастури ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотлар аудиторлик ташкилотлари томонидан ушбу соҳага кирувчи субъектларда аудитни махсус режа ва дастурларни тузилмасдан ўтказилаётганлигини кўрсатмоқда. Адабиётларда бевосита транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолиятига мўлжалланган режаси ҳамда дастури ҳам махсус ёритилмаган. Улар махсус стандартларда ҳам келтирилмаган. Шу боис, биз ўзимиз бевосита транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти ташқи аудити режаси ҳамда дастурини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Улар 8,9- жадвалларда келтирилган.

АУДИТ РЕЖАСИ

МЧЖ шаклидаги“ САМАРКАНД-ТОЛА қўшма корхонаси

МЧЖ шаклидаги: “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти

Асос: шартнома № ААГ1/16 -09.01.2016 йил

Текширилаётган давр: 2015 йил

Киши-соат миқдори: 240 соат/киши

Аудиторлик гуруҳи раҳбари_Алланазаров А.Г

Аудиторлик гуруҳи таркиби:аудитор-1киши, аудитор ёрдамчиси - 1киши.

Режалаштирилаётган аудиторлик rischi - 5 % (шартнома қийматидан)

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 10% (шартнома қийматидан)

N	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи масъул аудитор	Эриши-ладиган натижа
1	Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат ҳолатини текшириш	1.03.2016 – 2.03.2016	Алланазаров А.Г	Ҳисоб ва ички назорат ҳолати аниқланади
2	Таъсис ҳужжатлари, корхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари, устав капитали аудити	3.03.2016 – 5.03.2016	Алланазаров А.Г	Таъсис ҳужжатлари ва уларга амал этилганлик ҳолати аниқланади
3	“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” моддалари реаллигини текшириш	5.03.2016 – 10.03.2016	Алланазаров А.Г	Молиявий натижалар кўрсаткич-лари реаллиги аниқланади
4	“Бухгалтерия баланси” моддалари реаллигини текшириш	10.03.2016- 15.03.2016	Алланазаров А.Г	Баланс моддалари реаллиги аниқланади
5	Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосасини тайёрлаш	21.03.2016 25.03.2016	Алланазаров А.Г	Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тайёрлади
6	Аудиторлик текшируви натижаларини муҳокама этиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш	26.03.2016 30.03.2016	Алланазаров А.Г	Аудиторлик текшируви натижалари асосида молиявий ҳисоботдаги четланишлар аниқланади ва уларни тузатишга оид тегишли қарорлар қабул қилинади

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

АУДИТ ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот - САМАРКАНД-ТОЛА қўшма корхонаси

Аудит даври – 2015 йил

Киши-соатлар сони – 240 соат/киши

Аудиторлик гуруҳи раҳбари – Алланазаров А.А

Аудиторлик гуруҳи таркиби -2 киши


Режалаштирилаётган аудиторлик хатари – 5 %

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси – 10 %

N	Аудит булимлари буйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш муддати, кун	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари
1	Корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат ҳолатини текшириш	2	Алланазаров А.Г	Ҳисоб сиёсати, корхонада фойдала- наётган бухгалтерия ҳисобининг шакли, ва ишчи счётлар режаси
2	Таъсис хужжатлари, корхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари, устав капитали аудити	2	Алланазаров А.Г	Таъсис шарт-номаси, корхона лицензияси корхона устави
3	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот моддалари аудити: *даромадлар *харажатлар *соликлар *якуний молиявий натижалар	6	Алланазаров А.Г	Хўжалик опера- цияларини кайд этиш журнали, синтетик счётлар бўйича айланма қайдномаси, бош китоб журнал ордерлар ва қайдномалар
4	Бухгалтерия баланси моддалари аудити *узок ва қиска муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, ТМЗ, пул маблағлари, дебиторлик қарзлар) *мажбуриятлар (иш хаки, соликлар, банк кредити ва бошка қарзлар) *хусусий капитал элементлари (устав капитали, резерв ва қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва бошкалар)	6	Алланазаров А.Г	Активлар, мажбурият- лар, хусусий капитал элементларини акс бошланғич хужжатлар, журналлар, синтетик счётлар бўйича айланма қайдномаси, бош китоб, журнал ордерлар ва қайдномалар

Фикримизча, биз томонидан ишлаб чиқилган аудит режаси ва дастури транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини самарали ташкил қилиш ҳамда ўтказишда муҳим дастак ролини ўйнайди.

Аудитнинг иккинчи босқичи – бу бевосита унинг ўтказилишидир. Ушбу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтказилади. Одатда, аудит текширувларини умумийликдан хусусийликка қараб (дедукция) ёки хусусийликдан умумийликка қараб (индукция) текшириш усуллари асосида ўтказиш мумкин. Ушбу усулларга мувофиқ корхоналар фаолияти кўрсаткичлари, мос равишда, юқоридан пастга ва пастдан юқорига қараб қуйидаги кетма-кетликда текширилади (6-расмга қаранг).



6-расм. Аудит текширувлари кетма-кетлиги

Изланишлар “Самарқанд - тола” МЧЖ фаолияти асосан дедукция усулида аудит кўригидан ўтказилганлигини кўрсатмоқда. Ушбу усулга асосан “Самарқанд - тола” МЧЖда 2014-2016 йилларда “Жавлон-аудит сервис” ва “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви натижаларига ишимизнинг 3-бобида тўхталамиз.

Аудит текширувида аудиторлар кўпинча танлаб текширув ва ёппасига текширув усуллари кўллайдилар. Ушбу усулларни транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолиятига доир кўрсаткичларда қўллаш тартибини биз қуйидаги 10-жадвалда умумлаштирдик.

**Транспорт—экспедицион хизматлар аудитида қўлланиладиган
усуллар**

№	Хужжатлар, кўрсаткичлар , ҳисоб бўлинмалари	Аудитда қўлланиладиган усуллар	
		Танлаб текшириш усули (+,-)	Ёппасига текшириш усули (+,-)
1	Счёт-фактуралар		+
2	Кирим касса ордери		+
3	Чиқим касса ордери		+
4	Касса китоби		+
5	Тўлов топшириқномалари		+
6	Банк кўчирмалари		+
7	Йўл варақалари		+
8	Сафар харажатлари бўйича бўнак ҳисоботлари		+
9	Корхона харажатлари		+
10	Корхона даромадлари		+
11	Солиқлар ва тўловлар		+
12	Фойда кўрсаткичлари		+
13	Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати	+	
14	Амортизация ажратмалари	+	
15	Қимматли қоғозлар бўйича олинадиган фоиз тўловлари		+
16	Иш ҳақининг тўғри ҳисобланиши	+	
17	Иш ҳақидан ушланмалар	+	
18	Дебиторлик қарзлар ҳолати	+	
19	Кредиторлик қарзлар ҳолати		+
20	Ижобий ва салбий курс фарклари		+
21	Устав капиталидаги ўзгаришлар		+
22	Қайта баҳолаш натижалари	+	
23	Дивидендларнинг тўғри ҳисобланганлиги		+
24	Банкдаги бошқа счётлардаги операциялар		+
25	Товар- моддий бойликларнинг моддий жавобгар шахслар бўйича ҳолати	+	

Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишнинг 3-босқичи бўлиб унинг натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш деганда шартномада кўрсатилган объектлар бўйича аудиторлик текширувида аниқланган далилу-исботларни расмий ҳужжатларда акс эттириш тушунилади. Ушбу расмий ҳужжатлар бўлиб аудиторнинг ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонун»ига мувофиқ (18-модда) **«аудитор ҳисоботи – бу аудиторлик**

текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоида бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотлардан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари) нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат».

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини текшириш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудитор ҳисоботи 70-сон АФМС «Аудитор ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» га мувофиқ тузилади.

Ушбу АФМС га мувофиқ аудиторнинг ҳисоботи қуйидаги уч қисмдан (бўлимдан) иборат бўлади.

Қисм (бўлим)	Нима акс эттирилади
<i>1.Кириш қисм</i>	Аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек аудиторлик текширувини ўтказишга доир умумий маълумотлар кўрсатилади
<i>2.Асосий қисм</i>	Аудиторлик текширувини олиб бориш жараёнлари, ва текширув натижалари, мавжуд хато-камчиликлар, уларнинг сабаблари кўрсатилади. Ушбу қисм алоҳида мавзулар (бўлимлар)ни акс эттирувчи параграфларга бўлиниши мумкин
<i>3.Хулоса қисми</i>	Текшириш объекти (объектлари) бўйича аудиторлик хулосаси, аниқланган четланишлар ва қонунбузарликларни бартараф этиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хўжалик фаолияти самарадор-лигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар берилади

Аудитор ҳисоботи икки нусхада тузилади ва унинг бир нусхаси буютмачига топширилади, иккинчи нусхаси аудиторлик текширувида қолади. Аудиторлик ташкилотида қоладиган нусханинг охирида аудиторлик текширувини буюртган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтерининг аудитор ҳисоботи билан танишганлиги ва унинг бир нусхасини олганлиги тўғрисида тилхат ёзилади ва имзоланади. Агар аудиторлик текшируви мулкдорлар, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари буюртмаси билан ўтказилган бўлса, у ҳолда аудиторнинг ҳисоботи уч нусхада тузилади ва унинг бир нусхаси аудитни буюртган томонга тақдим этилади. Ушбу ҳолатда аудитор ҳисоботи билан танишганлик ва уларни нусхаларини олганлик тўғрисидаги тилхатлар аудит ўтказилган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси, шунингдек аудитни буюртган орган (шахслар) томонидан имзоланади.

Аудиторлик ҳисоботининг ҳажми варақлар сони жиҳатидан, одатда, чегараланмайди. Аудитор ҳисоботининг ҳар бир варағи аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланади.

Аудитор ҳисоботида акс эттирилган ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликга тортилади.

Аудиторнинг ҳисоботи аудиторлик хулосасини тузишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонунига асосан (19-модда) **«аудиторлик хулосаси** - молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат».

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини текшириш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудиторлик хулосаси 70-сон АФМС «Аудитор ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» га мувофиқ тузилади.

Ушбу АФМС га мувофиқ аудиторлик хулосаси худди аудиторнинг ҳисоботи каби қуйидаги уч қисмдан (бўлимдан) иборат бўлади:

- *Кириш қисм* – унда аудиторлик ташкилотига доир маълумотлар кўрсатилади;

- *Асосий қисм* - унда аудитни ўтказилишига асос бўлган шартнома ва меъёрий ҳужжатлар, аудит объектлари, томонларнинг жавобгарликлари кўрсатилади.

- *Хулоса қисми* – унда молиявий ҳисоботнинг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келиши ёки келмаслиги кўрсатилади.

Аудиторлик хулосаси юқорида келтирилган маълумотларни ўз ичига олган, қисқа мазмунли ҳужжат ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувини ўтказган аудитор, аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади, унинг икки нусхаси аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектга тақдим этилади, бир нусхаси эса аудиторлик ташкилотида қолади. Аудиторлик хулосасига корхонанинг аудиторлик текшируви материаллари асосида тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи илова қилинади. Аудиторлик хулосасига илова қилинадиган ушбу ҳужжатлар ҳам аудитор ва аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан имзоланиши, аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши лозим. Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар олинган аудиторлик хулосасининг бир нусхасини давлат солиқ идорасига қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этишлари ва қайд эттиришлари керак. Ташаббусли асосда аудиторлик текширувини ўтказган хўжалик юритувчи

субъектлар ҳам олинган аудиторлик хулосаларини давлат солиқ органига топширишлари ва қайд эттиришлари мумкин.

Аудиторлик хулосалари асосан тўртта турга ажратилади:

1.Ижобий аудиторлик хулосаси –бу молиявий ҳисоботни тўғрилиги, унинг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўлиқ мос келишини тасдиқловчи ҳужжат

2.Шартли ижобий аудиторлик хулосаси - бу молиявий ҳисоботнинг умуман тўғрилигини, унинг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан мос келишини, шунинг билан бирга хўжалик фаолиятида унинг кўрсаткичларини бузиб кўрсатилишига ва фойдаланувчилар қабул қиладиган қарорларга муҳим таъсир этмайдиган айрим ҳолатларни борлигини тасдиқловчи ҳужжат.

3.Салбий аудиторлик хулосаси - бу молиявий ҳисоботни тўғри эмаслиги, унинг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келмаслигини тасдиқловчи ҳужжат.

4.Аудиторлик хулосасини беришдан бош тортиш - бу молиявий ҳисоботни тўғрилиги, унинг қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мос келиш ёки келмаслигини аниқлаш учун мижоз томонидан етарлича маълумотлар тақдим этилмаганда аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этиладиган ҳужжат.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сохта тузилган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси учун уни тақдим этган аудиторлик ташкилотининг лицензияси, жавобгар аудиторларнинг малака сертификатлари бекор қилинади, шунингдек уларга жиноий жавобгарликга тортишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Аудитнинг якуний босқичи бўлиб унинг натижаларини тадбиқ этиш ҳисобланади.

Аудит натижаларини тадбиқ этиш деганда аудитор ҳисоботида акс эттирилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар мажмуаси тушунилади. Одатда, ушбу ишлар аудиторлик текширувидан кейин кўпи билан 15 кун ичида ўтказилади.

Аудит натижаларини тадбиқ этишга доир ишларга қуйидагилар киради:

- аудиторлик текшируви натижаларини хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, мулкдорлар, кузатув кенгаши аъзолари ва бошқа қизиқувчилар иштирокида муҳокама қилиш;

- аудиторлик текширувида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш муддатларини, аниқ маъсул ходимларни белгилаш;

- аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни ҳақиқатда бартараф этилганлигини назорат қилиш ва муҳокама этиш.

Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этишга маъсул бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ҳисобланади. Раҳбар аудиторлик ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ аниқланган хато ва камчиликларни текширувни ўтказган аудиторларнинг иштирокида

ўтказиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бир томондан, аудиторлар тўплаган исботу-далиллар асосида хатоларни қай даражадалигини, кимлар томонидан йўл қўйилганлигини, уларни қандай тузатиш кераклигини мутахассис сифатида чуқурроқ биладилар. Иккинчи томондан, аудиторлар иштирокида тузатилган хато камчиликлар тузатилган молиявий ҳисоботга расмий аудиторлик ҳулосасини олишни тезлаштиради.

2.2. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг ахборот таъминоти ва уни такомиллаштириш йўллари

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг самараси унинг ташкилий таъминоти сингари ахборот таъминотига ҳам бевосита боғлиқ. Аудитнинг ахборот таъминоти деганда, одатда, исботу далилларни йиғишда манба бўлиб ҳисобланадиган барча ахборотлар ва уларнинг ташувчилари тушунилади. Бундай ахборот манбаларини 2 та гуруҳга ажратиш, бизнингча, мақсадга мувофиқ. Булар:

1. Аудит ўтказишга асос бўлувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.
2. Аудит ўтказишда аниқланган маълумотларга гувоҳлик берувчи ва уларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудити ахборот таъминотини ташкил этувчи ва юқоридаги иккита гуруҳга кирувчи ахборот манбалари таркибининг биз томонимиздан ишлаб чиқилган тизими 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

Транспорт—экспедицион хизматлар аудити ахборот манбаларининг тизимлари

№	Ҳужжатнинг номи	Ҳужжат гуруҳи	
		Аудит ўтказиш-га асос бўлувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар	Аудиторлик исботига гувоҳлик берувчи ва уни тасдиқловчи ҳужжатлар
1	Ўз. Р. Кодекслари, қонунлари, қонун ости ҳужжатлари	+	
2	Корхонанинг бухгалтерияси тўғрисида Низом	+	+
3	Корхонанинг ишчи счётлар режаси	+	+
4	Бош китоб		+
5	Молиявий ҳисобот шакллари		+
6	Солиқ ва тўловларнинг ҳисоб-китоблари		+
7	Ишга чиқиш тўғрисида табель		+

8	Ходимнинг моддий ёрдам бериш тўғрисидаги аризаси		+
9	Ходимга жарима солиш тўғрисида буйруқ		+
10	Олди-сотди шартномаси		+
11	Счёт-фактуралар		+
12	Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ҳисоб-китоби		+
13	Далолатномалар		+
14	Аналитик ҳисоб регистрлари		+
15	Бошқа аудиторларнинг ҳисоботлари		+
16	Суд ажрими		+
17	Ходимларни мукофатлаш тўғрисида буйруқ		+
18	Тузатиш ёзуви бўйича бухгалтерия маълумотномаси		+
19	ДСИ буйруғидан кўчирма		+
20	Аванс ҳисоботи		+
21	Акциядорлар йиғилиши баённомаси		+
22	Таъсис шартномаси		+
23	Корхона устави		+
24	Даъво хати		+
25	Ходимнинг паспорти нусхаси		+
26	Инвентаризация варағи		+
27	Қоравулнинг билдиргиси		+
28	Касаллик варақаси		+
29	Аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари	+	

Аудитнинг мақсади ва аудиторларнинг муҳим вазифалари бўлиб, олдинги бобда таъкидлаб ўтилганидек, корхоналарда қонун ҳужжатларига амал қилиш ҳолатига баҳо бериш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш ва вазифани бажарилишини ҳолис текширишда асосий манба бўлиб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар ва қонуности ҳужжатлари) ҳисобланади. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар республикамизда асосан АЖ, МЧЖ, ХКлар шаклларида ташкил этилган. Турли мақомдаги ушбу корхоналар фаолияти аудитини ўтказишда айнан улар мақомини белгилаб берувчи қонунлар, чунончи “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун”, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида қонун”, “Хусусий корхоналар тўғрисида қонун” асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир субъект давлат солиқларини тўловчиси бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам корхоналарни солиқ тўловчи нуктаи назаридан таҳлил қилмаслик мумкин эмас. Бунда асосий манба сифатида, табиий равишда, республикамизнинг Солиқ кодекси бош ролни ўйнайди.

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда меҳнат муносабатлари, чунончи ходимлар билан бўладиган молиявий муносабатлар аудитнинг ўта муҳим объектлари бўлиб ҳисобланади. Аудиторлик текширувларида ушбу муносабатларни қонунийлигини текширмасдан аудиторлик хулосасини

бериш мумкин эмас. Бунда асосий манба бўлиб, табиий равишда, республикамизнинг меҳнат кодекси ва ходимлар билан бўладиган молиявий муносабатларни тартибга солиб турувчи қонуности ҳужжатлари ҳисобланади.

Аудиторлик текширувлари, мълумки, республикамизда махсус “Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун” (2000 йил) билан, шунингдек ушбу қонун асосида ишлаб чиқилган аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) асосида ўтказилиши шарт. Аудиторлар, бир томондан ушбу қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланишлари ҳамда уларга текшириладиган субъектларда амал қилиш ҳолатига баҳо беришлари лозим.

Аудиторлик текширувларида корхоналарнинг ички меъёрий ҳужжатлари, чунончи “Бизнес режа”, “Ҳисоб сиёсати”, ички Низомлар, корхона раҳбарининг буйруқлари ҳам энг муҳим ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади. Аудиторлар нафақат ушбу ички меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги, балки уларнинг нақадар тўғри тузилганлиги, республикамиз қонун ҳужжатларига мослиги, ижроси ва бошқа жиҳатларига баҳо беришлари керак.

Транспорт-экспедицион хизматлар аудитини улар фаолиятини бухгалтерия ҳисобига оид норматив ҳужжатлар, шунингдек амалга оширилган хўжалик операцияларига гувоҳлик берувчи бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, регистрлари ва ҳисобларисиз амалга ошириб бўлмайди.

Олдинги бобда таъкидлаб ўтилганидек, транспорт экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар даромадлари ва харажатлари таркиби, уларни шакллантириш тартиблари махсус норматив ҳужжатлар билан белгиланмаган. Улар ҳам барча бошқа субъектлар сингари даромадлар ва харажатлар ҳисобини Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”, шунингдек амалдаги 21-сон БҲМсга асосан юритмоқдалар. Ушбу меъёрий ҳужжатлар, бироқ, соҳа субъектлари хусусиятларини тўлиғича қамраб олмаган. Шу боис ҳам, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар учун махсус тармоқ Низомини ишлаб чиқиш, шунингдек улар учун счётлар режасини тасдиқлаш фойдадан холи бўлмайди. Фикримизча, бундай норматив ҳужжатларни қабул қилиниши транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда улар фаолияти аудитини ўтказишнинг ахборот таъминотини янада яхшилашга имкон беради.

Транспорт-экспедицион хизматлар, олдин таъкидлаб ўтганимиздек, юкларни тушириш, сақлаш ва харидорларга юклашга доир ишлардан иборат. Ушбу хизмат турларидан олинadиган даромадлар ва уларга кетadиган сарф-харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб буюртмачига тақдим этиладиган счёт-фактуралар, турли ҳисоб-китоблар, реестрлар ҳисобланади. Изланишлар мазкур ҳужжатларнинг типовой шаклларини тасдиқланмаганлигини кўрсатмоқда. Корхоналарда, чунончи “Самарканд-

Тола” МЧЖда барча учун бир хил бўлган счё-фактура тузилмокда. Ушбу счё-фактура транспорт-экспедицион хизматлардан олинадиган даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини бевосита ушбу ҳужжатлар асосида назорат қилиш имконини бермайди. Фикримизча, счё-фактуранинг ахборот бериш имкониятини кенгайтириш мақсадида унинг предмет қисмида кўрсатилган хизмат тури, унинг ҳажмини ифодаловчи ўлчов бирлиги, бир бирлик хизмат тарифи, хизматга тўғри келадиган тўлов суммаси кўрсатилиши лозим. Шунингдек, бизнингча, счё-фактураларни ҳар бир хизмат тури бўйича алоҳида-алоҳида тузиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда пахта терминаллари томонидан “Ўзпахтаэкспорт”га тақдим этилаётган реестр ҳам фақат счё-фактуралар тартиб рақамлари ва уларнинг умумий суммасини кўрсатиш билан чегараланиб қолган. Мазкур реестрдан қайси хизмат учун қанча ҳақ талаб этилаётганлиги тўғрисида ахборот олиб бўлмайди. Бизнингча, ушбу реестрни хизматлар турлари кесимида қуйидаги шаклда тузиш ва “Пахтаэкспорт” АЖга тақдим этиш мақсадга мувофиқдир (12-жадвалга қаранг).

Таъминотчи _____

Буюртмачи -----

Пахта терминали томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича тузилган счё-фактуралар реестри

_____ йил

Ҳужжат		Хизмат тури	Хизмат миқдори	Бир бирлик хизмат тури учун таъриф	Хизмат ҳақи
№	Сана				
Юкларни тушириш хизмати бўйича					
Жами					
Юкни сақлаш хизмати бўйича					
Жами					
Юкни юклаб жўнатиш бўйича					
Жами					
Ҳаммаси бўлиб					

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда даромад ва харажатлар ҳисобини аск эттиришга мўлжалланган счётлар тизимларини ҳам такомиллаштириш заруратлари мавжуд. Чунончи, транспорт –

экспедицион хизматларнинг алоҳида турларидан олинаётган даромадлар тизимли ҳисобини юритиш учун тармоқ счётлар режасида қуйидаги счётларни назарда тутиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

*9031 “Юкларни тушириш хизматларидан даромадлар”

*9032 “Юкларни сақлаш хизматларидан даромадлар”

*9033 “Юклаш хизматларидан даромадлар”

*9034 “Бошқа хизматлардан даромадлар”.

Ушбу тавсия этилаётган счётларни алоҳида хизматларни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида юритилиши уларда ҳар бир хизмат туридан олинган даромадлар тўғрисидаги ахборотларни тизимли шакллантирилишига имкон беради. Бу, ўз навбатида, аудиторлар томонидан хизматлардан олинган даромадлари реаллигини текширишни енгиллаштиришга, шунингдек унга кетадиган вақт сарфини анчагина камайтиришга имкон беради.

Транспорт – экспедицион хизматлар таннархи кўрсаткичининг муҳим аҳамиятга моликлигини эътиборга олиб, ҳар бир хизмат тури таннархини тизимли ҳисобини юритиш учун тармоқ счётлар режасида қуйидаги счётларни назарда тутиш лозим, деб ҳисоблаймиз (13-жадвалга қаранг).

13-жадвал

**Транспорт – экспедицион хизматлар таннархи ҳисобини юритишга
мўлжалланган счётлар тизими
(тавсия)**

Хизматларни кўрсатиш жараёни		Хизматларни сотиш жараёни	
2011	Юк тушириш хизматлари	9131	Юкларни тушириш хизматлари таннархи
2012	Юкларни сақлаш хизматлари	9132	Юкларни сақлаш хизматлари таннархи
2013	Юклаш ортиш ва жўнатиш хизматлари	9133	Юклаш хизматлари таннархи
2014	Бошқа хизматлар	9134	9139 “Бошқа хизматлар таннархи

Транспорт – экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда давр харажатлари ҳисоби “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявийнатижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”да белгиланган моддалар ҳамда 21-сон БҲМСда келтирилган счётлар кесимида юритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, юқорида келтирилган таклифларимиз транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштиришга, шунингдек уларда ўтказиладиган аудиторлик текширувлари ахборот таъминотини яхшилашга имкон беради.

3-боб. ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ РЕАЛЛИГИНИНГ АУДИТИ ВА УЛАР БЎЙИЧА БИЗНЕС РЕЖА БАЖАРИЛИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда даромадлар реаллиги аудити ва улар бўйича бизнес режа бажарилишининг таҳлили

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб даромад ҳисобланади. Аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб корхона томонидан ҳисобот йилида олинган даромадлар ҳисобини тўғри юритилганлигини, уларни “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да реал акс эттирилганлигини текшириш ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирги пайтда корпоратив бошқарув тизимида қўйилаётган талаблардан келиб чикиб, аудиторлик текширувларида транспорт-экспедицион хизматлар бўйича бизнес режасини бажарилиш даражасига баҳо бериш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Даромадлар реаллигини текшириш “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да кўрсатилган даромадлар турлари суммаларини аниқлашдан бошланади. Бундай даромадлар бўлиб, одатда, сотишдан олинган соф тушум, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, шунингдек молиявий фаолиятга даромадлар ва фавқулотдаги фойда ҳисобланади. Ушбу даромад турлари бўйича суммалар реаллиги қуйидаги кетма-кетликда текширилади (7-расмга қаранг).



7-расм. Даромадлар реаллигини текшириш кетма-кетлиги

Корхона олган даромадлари реаллигини текшириш учун улар ҳисоби учун мўлжалланган 9000 “Сотишдан олинган даромадлар”, 9300 “Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар”, 9500 “Молиявий фаолиятдан

олинган даромадлар” счётлари тизимида очилган счётлар кесимида ойма-ой берилган ёзувлардаги суммалар гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида махсус аудиторлик иш ҳужжати сифатида расмийлаштириладиган реестрларда териб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бу реестрни транспорт-экспедицион хизматлардан олинадиган даромад турлари бўйича қуйидаги шаклда тузиш фойдадан холи бўлмайди (14-жадвалга қаранг).

14-жадвал

Корхонанинг ҳисобот йилида олган даромадлари реестри

Счёт № 9031,9032,9033

Ой	Буюртмачи	Ҳужжат		Хизмат миқдори	Тариф	Сумма
		№	Сана			
Январь						
Жами						
Февраль						
.....						
Йил бўйича жами						

Юқоридаги шаклда тузилган аудиторлик иш ҳужжатидаги жамлама маълумотни транспорт-экспедицион хизматлардан олинган даромад турлари бўйича Бош китобда очилган счётлар ҳамда “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”даги тегишли даромад моддалари маълумотлари билан таққослаш асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлашга имкон беради.

“Самарқанд-Тола” МЧЖда “Жавлон аудит сервис” ва “Комил –ишонч” аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилган аудиторлик текширувлари материалларини ўрганиш ушбу корхонада транспорт-экспедицион хизматлардан олинган даромадларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини кўрсатди. Ушбу аудиторлик текширувлари билан реаллиги тасдиқланган материаллар асосида биз “Самарқанд-Тола” МЧЖда 2014-2016 йилларда транспорт-экспедицион хизматлардан ҳамда бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар таркибини таҳлил қилиб чиқдик (15-жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўриниб турибдики, МЧЖнинг даромадларида асосий ҳисса транспорт-экспедицион хизматларга тўғри келади. Бироқ, охириги уч йилда бу хизматлардан олинган даромадлар анчагина қисқарган ва уларнинг жами даромаддаги улуши даражаси 97,43 %дан 61,44 %гача пасайган. Бу МЧЖда асосан транспорт-экспедицион хизматлар ҳажмини пахта сотиш ҳажмини қисқариши эвазига юз берган. Чунончи, МЧЖ орқали транспорт-экспедиция хизматлари кўрсатилган пахта сотиш ҳажми охириги уч йилда 35965,1 тоннадан 31050 тоннагача тушган.

**“Самарқанд-Тола” МЧЖнинг 2014-2016 йилларда олган
даромадлари**

№	Даромад турлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил	
		Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %
1	Соф тушум	1413324	97,43	1773573	97,86	1057776	61,44
2	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	37137	2,56	8693	0,48	423240	24,58
3	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	148	0,01	30116	1,66	240737	13,98
4	Фавкулотдаги фойда			0		0	
	Жами даромад	1450609	100,0	1812382	100,0	1721753	100,0

Корхонада транспорт-экспедицион хизматлардан олинган даромадларнинг пасайиб кетиши сабабларини ўрганиш мақсадида биз унинг 2016 йил учун бизнес режа кўрсаткичларини ҳам таҳлил этдик (16-жадвалга қаранг).

**“Самарқанд-Тола” МЧЖда 2016 йилда транспорт -экспедицион
хизматлар бўйича бизнес режанинг бажарилиши**

Хизмат турлари	Режа, минг сўм	Ҳақиқатда, минг сўм	Бажарилиш даражаси, %
1.Пахта толасини қабул қилиш хизматлари	317514	384792	121
2.Пахта толасини сақлаш хизматлари	282324	96198	34
3.Пахта толасини юклаш хизматлари	896760	534787	60
Жами хизматлар	1708418	1057777	62

16-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, транспорт-экспедицион хизматлардан олинадиган даромадлар бўйича бизнес режа 2016 йилда 62 % га бажарилган, чунончи пахта толасини юклаш хизматлари бўйича у 60 % га, пахта толасини сақлаш хизматлари бўйича эса атиги 34 % га бажарилган.


Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, “Самарқанд-Тола” МЧЖнинг асосий фаолияти ҳисобланган транспорт-экспедицион хизматлари

тақдири асосан пахта экспортига ва унинг ички харидорларга сотиш ҳажмига боғлиқ. Ушбу хизматлар ҳажмини камайиши, табиий равишда, унинг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Фикримизча, қиммат турадиган сақлаш, тушириш ва юклаш воситаларига эга бўлган ушбу корхонанинг транспорт-экспедицион хизматларини қамровини фақат пахта толаси билан чеклаш келгусида ҳам корхона фаолиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу боис, ушбу хизматлар қамровини бошқа соҳа субъектларига кўрсатиш орқали ҳам уни даромадларини ошириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

3.2. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар харажатлари реаллиги аудити ва улар бўйича бизнес режа бажарилишининг таҳлили

Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги улар томонидан қилинаётган харажатларга бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб нафақат корхона томонидан ҳисобот йилида қилинган харажатлар ҳисобини тўғри юритилганлигини, уларни “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да реал акс эттирилганлигини текшириш, балки ҳар бир харажатнинг мақсадга мувофиқлиги ва уни самара беришига баҳо бериш ҳам ҳисобланади.

Харажат реаллигини текшириш худди даромадлар сингари “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”да кўрсатилган харажатлар турлари суммаларини аниқлашдан бошланиши лозим. Бундай харажатлар бўлиб, одатда, сотиш таннархига киритиладиган харажатлар, давр харажатлари, молиявий фаолиятга доир харажатлар, фавқулотдаги зарарлар ҳамда солиқ тўловлари харажатлари ҳисобланади. Ушбу харажатлар турлари бўйича суммалар реаллиги қуйидаги кетма-кетликда текширилиши мақсадга мувофиқдир (8-расмга қаранг).



8-расм. Харажатлар реаллигини текшириш кетма-кетлиги

Корхона лар харажатлари реаллигини текшириш учун улар ҳисоби учун мўлжалланган 2010 “Асосий ишлаб чиқариш”, 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш”, 2510 “умумишлаб чиқариш”, 9100 “Сотиш таннархи”, 9400 “Давр харажатлари”, 9600 “Молиявий фаолиятга доир харажатлар” счётлари кесимида ойма-ой харажат моддалари бўйича тизимлаб чиқиш лозим. Бизнингча, ушбу аудиторлик иш ҳужжатларини барча харажатлар счётлари бўйича қуйидаги шаклда тузиш фойдадан холи бўлмайди (17-жадвалга қаранг).

17-жадвал

Корхонанинг ҳисобот йилидаги харажатлари

Счёт № ____

Ойлар	Кор. счёт	Ойлар												Жами йил бўйича
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Январь														
Февраль														
...														
Жами йил бўйича														

Юқоридаги шаклда тузилган аудиторлик иш ҳужжатидаги жамлама маълумотларни харажат турлари бўйича Бош китобда очилган счётлар ҳамда “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”даги тегишли харажат моддалари маълумотлари билан таққослаш уларни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри ёки нотўғри акс эттирилганлигини аниқлашга имкон беради.

“Самарқанд-Тола” МЧЖда “Жавлон аудит сервис” ва “Комил –ишонч” аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилган аудиторлик текширувлари материалларини ўрганиш ушбу корхонада харажатларини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини кўрсатди. Ушбу аудиторлик текширувларида реаллиги тасдиқланган материаллар асосида биз “Самарқанд-Тола” МЧЖда 2014-2016 йиллардаги харажатлари динамикаси ва таркибини таҳлил қилиб чиқдик (18-жадвалга қаранг).

18-жадвалдан кўриниб турибдики, МЧЖда жами харажатлар охирги уч йилда 22%га ошган, энг катта ошиш (67 %)транспорт-экспедицион хизматлар таннархи бўйича юз берган, ЯСТ бўйича харажатлар 11 %га, молиявий фаолият харажатлари эса 17 % кўпайган. Давр харажатлари 20 %га камайган.

МЧЖнинг жами харажатларида асосий ҳисса транспорт-экспедицион хизматлар таннархини ташкил қилувчи харажатларга тўғри келади. Чунончи, охирги уч йилда ушбу харажатларнинг жами харажатлардаги улуши 45,5 %дан 62 %гача кўтарилган.

**“Самарқанд-Тола” МЧЖнинг 2014-2016 йилларда қилган
харажатлари**

№	Харажат гуруҳлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил	
		Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %
1	Сотиш таннари	599955	45,5	836969	53,8	996 109	62,0
2	Давр харажатлари	616204	46,8	596486	38,4	496 450	30,9
3	Молиявий фао- лият харажатлари	1755	0,1	3424	0,2	2 135	0,1
4	Фавкулотдаги зарарлар	0	0	0		0	
5	ЯСТ	99819	7,6	118494	7,6	111416	7,0
	Жами харажатлар	1317733	100,0	1555373	100,0	1606110	100,0

Транспорт-экспедицион хизматлар таннарини ташкил қилувчи харажатлар улушини нималар эвазига юз берганлигини аниқлаш мақсадида биз уларнинг таркибини ҳам таҳлил қилдик (19-жадвалга қаранг).

**“Самарқанд-Тола” МЧЖда 2014-2016 йилларда транспорт-
экспедицион хизматлар таннарига киритилган харажатлар**

№	Харажат гуруҳлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил	
		Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %	Сумма, минг сўм	Улуши, %
1	Иш ҳақи	55596	9,3	64915	7,8	73 907	7,4
2	ЯИТ	18532	3,1	11455	1,4	11 086	1,1
3	Хизмат сафари	0	0	0	0	86	0
4	АВ эскириши	108919	18,2	121213	14,5	124 950	12,5
5	Ёқилғи ва мойлаш материаллари	54441	9,1	47893	5,7	36 153	3,6
6	Хўжалик инвентари	48860	8,1	60446	7,2	112 400	11,3
7	Сертификация	8879	1,5	12427	1,5	8 428	0,8
8	Фумигация	14620	2,4	23060	2,8	24 558	2,5
9	Суғурта	362	0,1	61 494	7,3	38 150	3,8
10	Темир йўл хизмати	222 622	37,1	315 565	37,7	211 552	21,2
11	Вагон таъмирлаш	14 394	2,4	19 797	2,4	15 768	1,6
12	Темир йул ижараси	10368	1,7	11 730	1,4	15 180	1,5
13	Автотранспорт воситалари сугуртаси		0	398	0,1	219	0,02
14	ТВларини таъмирлаш	6459	1,1	43 792	5,2	36009	3,6
15	Электрэнергия	10131	1,7	15 647	1,9	10674	1,1

16	Товар нобудгарчилиги	0	0	0	0	36285	3,6
17	Лаборатория	0	0	0	0	2014	0,2
18	Алоқа ва интернет	0	0	0	0	13071	1,3
19	Ёнғин хавфсизлиги хизмати	0	0	0	0	200 411	20,1
20	Почта харажатлари	779	0,1	736	0,1	433	0,04
21	Ичимлик суви ва табиий газ	7472	1,2	12 174	1,5	7 699	0,8
22	Бошқалар	17521	2,9	14 227	1,7	17 076	1,7
	Жами	599955	100	836 969	100	996109	100

19-жадвалда келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

Биринчидан, таннархни ошиши асосан 2016 йилда товар нобудгарчилиги, ёнғин хавфсизлиги, унга кетган материал харажатлари, почта ва алоқа харажатларини ошгани эвазига юз берган.

Иккинчидан, транспорт-экспедицион хизматлар таннархида темир йўл хизматлари ҳамда омборлар ва транспорт воситалари амортизацияси харажатлари улуши энг катта ҳисобланади. Ўтган уч йилда темир йўл хизматлари харажатларнинг жами таннархдаги улуши қарийб 2 барабарга, амортизация харажатларининг улуши эса қарийб 40 %га пасайган.

Корхонада транспорт-экспедицион хизматлар таннархини ошиб кетиши сабабларини ўрганиш мақсадида биз унинг харажатлари бўйича 2016 йил учун тузилган бизнес режа кўрсаткичлари бажарилишини ҳам таҳлил этдик (20-жадвалга қаранг).

20-жадвал

“Самарканд-Тола” МЧЖда транспор -экспедицион хизматлар бўйича бизнес режанинг бажарилиши

т/р	Кўраткичлар номи	Режа	Ҳақиқатда	Бажарилиши, % да
1	Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи	1 039 439	996 109	95,83
	шу жумладан турлари бўйича:			
1.1	иш ҳақи	95 798	73 907	77,15
1.2	ягона ижтимоий тўлов	15 637	11 086	70,89
1.3	хизмат сафари	2 000	86	4,32
1.4	эскириш	105 600	124 950	118,32
1.5	ёқилғи ва мойлаш материаллари	45 660	36 153	79,18
1.6	хўжалик моллари	63 000	112 400	178,41
1.7	сертификация хизмати	13 029	8 428	64,69
1.8	фумигация	30 685	24 558	80,03
1.9	суғурта	45 000	38 150	84,78
1.10	темир йўл хизмати	298 658	211 552	70,83
1.11	вагон таъмирлаш	23 217	15 768	67,92
1.12	Темир йул ижараси	15 180	15 180	100,00

1.13	автотранспорт воситалари сугуртаси	400	219	54,74
1.14	электроэнергия	14 316	10 674	74,56
1.15	Товар нобудгарчилиги	0	36 285,00	
1.16	темир йўл хизмати (вагонларни жойлаштириш)	500	0	0,00
1.17	транспорт воситаларини таъмирлаш	29 000	36 009	124,17
1.18	эл.лаборатория	0,00	2 014	
1.19	алоқа ва интернет	7 500	13 071	174,28
1.20	ёнгин хавфсизлиги хизмати	200 411	200 411	100,00
1.21	почта харажатлари	1 500	433	28,89
1.22	коммунал тўловлар (ичимлик суви ва таъбий газ)	13 447	7 699	57,25
1.22	бошқалар	18 900	17 076	90,35
2	Давр харажатлари, жами	450 695	496 450	110,15
	шу жумладан турлари бўйича:			
2.1	Сотиш харажатлари	0,00	0,00	0,00
2.2	Маъмурий харажатлар	383 541	402 057	104,83
	шу жумладан турлари бўйича:			
2.2.1	хизмат сафари	6 845	6 525	95,33
2.2.2	иш ҳақи	194 887	223 038	114,45
2.2.3	ягона ижтимоий тўлов	31 812	33 456	105,17
2.2.4	эскириш	70 400	83 300	118,32
2.2.5	материаллар ва эҳтиёт қисмлар	18 000	14 235	79,09
2.2.6	оргтехника таъмири	8 500	2 080	24,48
2.2.7	ёқилғи ва мойлаш материаллари	19 550	15 186	77,68
2.2.8	транспорт воситаларини таъмирлаш	3 000	6 116	203,87
2.2.9	кадрлар тайёрлаш	10 500	6 984	66,51
2.2.10	электроэнергия	5 147	7 116	138,25
2.2.11	"Норма" харажатлари	2 000		0,00
2.2.12	обуна		2 329	
2.2.13	бошқалар	12 900	1 691	13,11
2.3	Бошқа операцион харажатлар	67 154	94 393	140,56
	шу жумладан турлари бўйича:			
2.3.1	банк хизмати	9 044	7 983	88,27
2.3.2	экология тўлови	1 000	714	71,43
2.3.3	суғурта	35 000	42 121	120,35
2.3.4	суғурта мулк	0	15 000	
2.3.5	Баҳолаш хизмати (Узмарказэмпекс)	0	7 850	
2.3.6	Тошкент тола Мусобоқа харажатлари		1 881	
2.3.7	аудиторлик хизмати	4 500	3 500	77,78
2.3.8	Вагон туриб қолиши	3 500	2 980	85,17
2.3.9	Халкара пахта ярмаркаси	0	3 875	
2.3.10	бошқалар	14 110	8 487	60,15
3	Молиявий фаолият харажатлари	0,00	2 135	
3.1	Валюта курс фарқларидан зарарлар	0	1 020	
3.2.	Молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари	0	1 115	
4	Фавқулодда фойда ва зарарлар	0,00	0	0,00
5	ЯСТ	114866	111417	89,76
6	Барча харажатлар	1605000	1606110	100,01

20-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи “Самарқанд-Тола” МЧЖда харажатлар бўйича 2016 йил учун тузилган бизнес режа 100 % га бажарилган. Бироқ, харажатлар бўйича тузилган бизнес режа таркиби, унинг ижросидан мазкур режани етарлича асосли тузилмаганлигини, шунингдек унда айрим харажатлар бўйича корхонада ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатларни ифодаловчи ситуациялар юз берганлигини кўриш мумкин. Чунончи, таннархга киритилган 22 харажат моддаларидан 15 таси бўйича режа кўрсаткичи бажарилмаган, атиги 1 та модда (темир йўл ижараси) бўйича режа аниқ белгиланган ва у 100 %га ижро этилган. Бизнес режанинг қолган 6 моддаси бўйича режадан ортиқ харажатларга йўл қўйилган. Айнан ушбу моддаларга доир қўшимча харажатлар корхонада транспорт-экспедицион хизматлар таннаrxини ошишига сабаб бўлган.

Худди шунингдек ҳолатни давр харажатлари бўйича ҳам кўриш мумкин. Чунончи, маъмурий бошқарув харажатлари бўйича 13 та моддадан 7 таси бўйича режа кўрсаткичлари бажарилмаган, қолган 6 та модда бўйича режадан ортиқ харажатларга йўл қўйилган. Айнан ушбу моддаларга доир қўшимча харажатлар корхонада давр харажатларини қарийб 46 миллион сўмга ёки 10 %га ошишига сабаб бўлган.

20-жадвалдан кўриниб турибдики, МЧЖда молиявий фаолият бўйича харажатлар режалаштирилмаган. Амалда, улар 2135 минг сўмни ташкил этган. Бу ҳам корхона умумий харажатларини ошишига сабаб бўлган.

Корхона бизнес режасида ЯСТ даромадлар режасидан келиб чиқиб 114866 минг сўм миқдорида белгиланган. Амалда бу кўрсаткич 111417 минг сўм миқдорида ёки 89,76 % қилиб бажарилган. Бунга сабаб корхонада барча хизмат турларидан олинадиган даромад бўйича бизнес режани корхонада ўртача 62 %га ижро этилганидир.

Фикримизча, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар харажатларини юқорида изоҳи келтирилган тартибларда аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳамда таҳлил қилиш улар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Транспорт-экспедицион хизматлар, уларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти асосий кўрсаткичлари ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини тадқиқ этиш бизга қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Транспорт-экспедицион хизматларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга моликлиги ушбу хизматларни кўрсатувчи корхоналар сонини кўпайтиришни, шунингдек улар фаолияти самарадорлигини оширишни такоза этади. Ушбу муҳим масалалар, ўз навбатида, транспорт-экспедицион хизматларга ихтисослашган субъектларда бошқарувнинг барча дастакларини, чунончи бухгалтерия ҳисоби ҳамда ички ва ташқи аудитни замон талабларига мос равишда такомиллаштиришдек долзарб масалаларни ҳал этишни зарурат қилиб қўяди.

2. Муҳим долзарб масалалардан бири бўлиб транспорт-экспедицион хизматларнинг ҳисоб ҳамда аудитнинг объектлари сифатидаги таърифи, уларнинг таснифий ва тавсифий асосларини белгилаш ҳисобланади. **Транспорт-экспедицион хизматлар** – бу юк ташиш шартномаларини тузиш, юкни тушириш, сақлаш ва юклаб жўнатиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар мажмуасидир. Ҳисоб ва аудит нуқтаи назаридан ушбу хизматларни бажарилиш жойи, вақти ҳамда бажариладиган иш турлари мезонлари бўйича таснифлаш ва тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Ишда айнан ушбу мезонлар бўйича транспорт-экспедицион хизматларнинг турлари ва таркиби белгиланди.

3. Кўп тармоқли республикамизда транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар турлари ва сони борган сари ошиб бормоқда. Пахта терминаллари ва турли логистик марказлар шулар жумласидандир. **Пахта терминаллари** – бу пахта толасини пахтани қайта ишловчи корхоналардан қабул қилиб олувчи, уларни сақловчи ҳамда кейинчалик пахта сотувчиси топшириғи билан харидорларга юклаб жўнатишга доир транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлардир.

4. Пахта терминаллари **даромадлари** улар томонидан пахтани тушириб олиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш хизматларидан олинган даромадлардан иборат. Ушбу даромадлар суммаси кўрсатилган хизматлар турлари ҳажмининг натурал миқдорини бир бирлик хизмат миқдори учун белгиланган тарифга кўпайтириш орқали топилади.

5. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи пахта терминаллари хусусиятлари улар томонидан кўрсатилаётган тушириш, сақлаш ва юклаб жўнатиш хизматлар таннархида ўз ифодасини топади.

Тушириш хизматлари таннархи – бу пахта тозалаш заводлари томонидан автомобилларда етказиб берилган пахта толасини терминалларда омборларга тушириб олишга доир хизматга кетган харажатлар мажмуаси. Ушбу хизматлар таннархи автокараларга кетган ёқилғи, уларнинг эскириши,

автокаралар хайдовчилари ва омбор ишчиларининг иш ҳақи (ЯИТ билан биргаликда) каби харажатлардан ташкил топади.

Сақлаш хизматлари таннархи - бу терминалларга пахта тозалаш заводларидан қабул қилинган пахта толасини омборларда сақлашга кетган харажатлар йиғиндиси. Ушбу харажатлар таркибига омборларни сақлаш, уларнинг эскириши, омбор ходимларига ҳисобланган иш ҳақи (ЯИТ билан биргаликда) ва бошқалар киритилади. Келиб тушган пахта толасининг сақлаш харажатлари омборларнинг бир ойлик харажатлари ва ҳисобот ойдаги кунлар сони асосида топилган ўртача бир кунлик харажатларни пахта толасини ҳақиқатда омборларда сақланган кунлари сонига кўпайтириш орқали топилади.

Юклаб жўнатиш хизматлари таннархи – бу терминаллар омборларидан сотувчи топшириғи асосида харидорларга жўнатилган пахта толасини вагонларга юклашга кетган харажатлар йиғиндиси. Ушбу хизматлар бўйича таннарх калькуляцияси бирлиги бўлиб 1 та вагон (47-50 тонналик) ҳисобланади. Юклашга кетадиган харажатлар харажат турларининг ўртача миқдори ҳисоб-китоблари асосида белгиланади.

6. Транспорт-экспедицион хизматларга ихтисослашган корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тартибга солиш зарурати мавжуд. Чунончи, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар учун республикада ҳозирги кунда амалда бўлган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом” асосида “Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

7. Транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар учун махсус аудиторлик режаси ва дастури ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотлар аудиторлик ташкилотлари томонидан ушбу соҳага кирувчи субъектларда аудитни махсус режа ва дастурларни тузилмасдан ўтказилаётганлигини кўрсатмоқда. Адабиётларда бевосита транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолиятига мўлжалланган режаси ҳамда дастури ҳам махсус ёритилмаган. Улар махсус стандартларда ҳам келтирилмаган. Шу боис, ишда бевосита транспорт-экапедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар хусусиятларидан келиб чиқиб, улар фаолияти ташқи аудити режаси ҳамда дастури ишлаб чиқилди.

8. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитининг самараси унинг ахборот таъминотида бевосита боғлиқ. Ушбу хизмат турларидан олинadиган даромадлар ва уларга кетадиган сарф-харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб буюртмачига тақдим этиладиган счёт-фактуралар, турли ҳисоб-китоблар, реестрлар ҳисобланади. Изланишлар мазкур ҳужжатларнинг типовой шакллари тасдиқланмаганлигини кўрсатмоқда. Корхоналарда қўлланилаётган счёт-фактуралар шакллари транспорт-экспедицион хизматлардан олинadиган

даромадларни тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини бевосита ушбу ҳужжатлар асосида назорат қилиш имконини бермайди. Шу боис, ишда счёт-фактуранинг ахборот бериш имкониятини кенгайтириш мақсадида унинг предмет қисмида кўрсатилган хизмат тури, унинг ҳажмини ифодаловчи ўлчов бирлиги, бир бирлик хизмат тарифи, хизматга тўғри келадиган тўлов суммаси кўрсатилиши, шунингдек, счёт-фактураларни ҳар бир хизмат тури бўйича алоҳида-алоҳида тузиш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келинди.

Ҳозирги кунда пахта терминаллари томонидан “Ўзпахтаэкспорт”га тақдим этилаётган реестр ҳам фақат счёт-фактуралар тартиб рақамлари ва уларнинг умумий суммасини кўрсатиш билан чегараланиб қолган. Мазкур реестрдан қайси хизмат учун қанча ҳақ талаб этилаётганлиги тўғрисида ахборот олиб бўлмайди. Ишда ушбу реестрни хизматлар турлари кесимида акс эттиришга имкон берувчи реестр шакли ишлаб чиқилди ва фойдаланишга тавсия этилди.

9. Транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектларда даромад ва харажатлар ҳисобини аск эттиришга мўлжалланган счётлар тизимларини ҳам такомиллаштириш заруратлари мавжуд. Ишда транспорт – экспедицион хизматларнинг алоҳида турларидан олинаётган даромадлар тизимли ҳисобини юритиш учун тармоқ счётлар режасига 9031 “Юкларни тушириш хизматларидан даромадлар”, 9032 “Юкларни сақлаш хизматларидан даромадлар”, 9033 “Юклаш хизматларидан даромадлар” ва 9034 “Бошқа хизматлардан даромадлар” каби счётларни киритиш тавсия этилди.

10. Транспорт – экспедицион хизматлар таннархи кўрсаткичининг муҳим аҳамиятга моликлигини эътиборга олиб, ишда ҳар бир хизмат тури таннархини тизимли ҳисобини юритиш учун тармоқ счётлар режасига 2011 “Юк тушириш хизматлари”, 2012 “Юкларни сақлаш хизматлари”, 2013 “Юклаш ортиш ва жўнатиш хизматлари”, 2014 “Бошқа хизматлар”, шунингдек 9131 “Юк тушириш хизматлари таннархи”, 9132 “Юкларни сақлаш хизматлари таннархи”, 9133 “Юклаш ортиш ва жўнатиш хизматлари таннархи” ва 9134 “Бошқа хизматлар таннархи” каби счётларни киритиш тавсия этилди.

11. Транспорт – экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, ишда улар даромадлари ва харажатлари реаллигини аудиторлик текширувидан ўтказиш услубияти ҳамда бу кўрсаткичлар бўйича бизнес режа бажарилишининг аудиторлик таҳлили тартиблари кўрсатиб берилди.

Фикримизча, транспорт-экспедицион хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти аудитини такомиллаштиришга доир юқорида қилинган хулоса ва қилинган таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга қўлланилиши ушбу соҳа субъектлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т: “Ўзбекистон”, 2012 (кейинги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси. 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган)
3. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”, 2016 йил 13 апрель
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”, 2000, 25 май
5. «2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган.
6. “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли қарори.
7. «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240- сонли қарори
8. “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида”.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 5 февралдаги 54-сон қарори
9. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365 сонли қарори.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг 21-сонли миллий стандарти: “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябр 1181-сонли рақам билан рўйхатга олинган.
- 11.Бош мақсадимиз –мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб борилаётган ислохатларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

12. Каримов И.А. «Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш-тараққиёт гарови». «Туркистон» газетаси, 2001 йил, 18 июль.

13. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, 11-сон, 2-бет.

14. Мирзиёев Ш. Танқидий Таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлмоғи керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

15. Аудит. Ўқув қўлланма /Тўлаҳўджаева М.М., Жўраев Т.И., Гулямова Ф.Г.ларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: БАМА нашр. маркази. 1 том

16. Абдукаримов Б, Уразов Д.К. “Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларнинг бизнес бирликлари сифатидаги хусусиятлари”. Самарканд. СамИСИ “Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари” мавзусидаги иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг илмий-амалий анжумани. Самарканд СамИСИ 2014 й.

17. Дустмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. : Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.

18. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003.

19. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.- Т.: Ўқитувчи, 2004.

20. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б., Исроилов Ё.Ж., Пашаходжаева Д.Д., Мардонов М.Ш. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011;

21. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари. Замонавий педагогик технологияларга асосланган кўргазмали маъруза матнлари тўплами. – Самарканд, СамИСИ, 2014.

22. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

23. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Транспорт>

24. www.Strategy.Regulation.gov.uz

25. www.UZA.UZ

26. www.Ziyonet.uz

27. www.stat.uz

**Уразов Комил Бахрамович,
Холиқов Ғолиб Лутпилла ўғли,
Уразов Давлат Комилович**

ТРАНСПОРТ-ЭКСПЕДИЦИОН ХИЗМАТЛАР АУДИТИ

Илмий-услубий рисола

Самарқанд, СамИСИ, 2017

**2017 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табағи 3,5
Буюртма № 72, Адади 50 нусха**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй**

